

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили



МЕХР МАСКАНИ

Тошкент вилояти Оҳангарон туман марказида жойлашган "Саховат" уйида боқувчисини йўқотган, ўзгалар ёрдамига муҳтож кекса ва ногиронлар истиқомат қилади.

Оҳангарондаги "Саховат" уйи 250 ўринга мўлжалланган. Хозирда 240 га яқин жамиятимизнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами вакиллари бу ерда тўлиқ давлат таъминотига олинган. Уларнинг 129 нафарини аёллар, 110 нафарини эса эркаклар ташкил этди. Ногиронларнинг 29 нафари 1-гурух, 48 нафари эса 2-гурухга мансуб. Қариялар сафида етмишга етганлар, саксон ёшдан сакраганлар, тўксон билан тўқнашиб, юз билан юзлашганлар бор. Шу йилнинг апрелида қариялар уйининг кекса онахони Ҳадича момо Саидова 106 ёшга қарши олди. Умуман, аср ёшани ошаганлар сони бу ерда 12 нафар. Барча отахон ва онахонларнинг ўртача ёши 76-77 атрофида. Албатта, бунга муассасадаги қулай яшаш шароити, яхши тиббий хизмат кўрсатилаётгани асос бўлмоқда.

Навбатчи ҳамшира Малика Хайдарова билан бўлимларни айландик. Учинчи бўлимда тўшақда ётиб қолган 53 қария яшайди. Улар ҳар томонлама ораста. Кийимларини алмаштириш, қовиш, овқатлантириш вазифаларини муассаса ходимлари тўлиқ адо этадилар, улар бешиқдаги гўдакдек парвариш қилинади. Хусусан, Люба Мандаренко икки йилдан буён ўринда экан. У

"Давлат ўз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қила олган тақдирдагина инсонпарвар ҳисобланади".

Ислом КАРИМОВ

давлатимиз томонидан яратилган шароитдан, ходимларнинг ғамхўрлигидан мамнун эканлигини билдирди. — "Биз учун нима лозим бўлса барчаси муҳайё қилинган. Бизга бошқа яна нима керак. Барчаси учун минг раҳмат..."

Оила бўлиб яшашни истовчи кишилар 5, 6-бўлимга жойлаштирилган. Тўйтападан келган Қирқбой Қўқоров ва янгийўллик Зинаида Вагизова 10 йилдан буён бир оила бўлиб яшашади. — "Биздек ёлғиз кексалар учун бундан ортиқ шароит бўлмаса керак. Ўзгача шароитни орзу қилиб ҳам бўлмайди, дейди Қирқбой бобо. Тўксонинчи йилларда аёлим вафот этди. Болалар гўдакликда қизамикдан нобуд бўлишган эди... Ёлғизлаш қолдим... Ўз уйимда ҳам бундай яшай олмадим. Бу ерда нафақат қорним тўқ, устим бут, балки ўзимга танмаҳрам ҳам топдим. Бегонадан кўра ўз маҳрамин бўлсин экан. Зинаида холангиз билан бирга чойни майдалаб, сўхбатлашиб, вақтни "ўлдираимиз". Зерикиш йўқ, хавотир йўқ."

Каромат ая ҳам ўн йилдан буён шу ерда яшайди. Уларга оналик бахти насиб этмаган экан. 40 йиллик ёстиқдоши оламдан ўтган, қариялар уйига келишга мажбур бўлган. Барча истиқоматчилар ёлғиз қолишган эканда деган хаёлга борасан киши. Бироқ, фарзанд ва набиралари бўла туриб, бу маконга келиб



"Саховат" уйига ёшлар ташриф буюришди.

қолганлар ҳам талайгина. "Ҳаммаси ўзимдан ўтди, дейди улардан бири. — Болаларни тўкин ҳаётга ўргатибман, меҳнатга ўргатмабман. Азоб ва хузур-ҳаловат, ғам ва шодлик ёнма-ён юришини уларга вақтида ўқтирмабман. Энди кеч. Пушаймондан фойда йўқ". Аксари отахон-онахонлар фарзандлари ва ҳаётларини сир туташади. Оқибатсиз фарзандларини шу ерда ҳам аяшади-я?!

Қариялар уйига зукко педагог ва раҳбар Раҳиммахон Ахророва бошчилик қилади. "240 нафар кекса ва ногиронларнинг соғлиги, ҳаётига масъулимиз. Уларнинг бирор жойи лал еса ҳам, сал иситмаси чиқса ё бурни қонаса ҳам жавобгарлик ҳис этамиз", — дейди директор опа.

Дарҳақиқат, Раҳима опа жомаси истиқоматчиларнинг нима ни хуш кўриши-ю, қандай ўлчамдаги кийим кийишидан тортиб, ўзига хос феъл-атвори-гача жуда яхши билади.

Раҳима опа таъкидлаб ўтганидек Зуфар Маликов, Шаҳодат Маматқулова, Дилбар Алимходжаева, Шавкат Комилов каби саховатпеша тадбиркорлар қарияларни тез-тез йўқлаб туришади. Олмалиқ тоғ-маъдан комбинати, Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги қариялар уйининг доимий ҳомийси экан. Шунингдек вилоятдаги қатор туман ҳокимликлари, вилоят қасаба кўмитаси ҳам ўз хизматларини аяшгани йўқ.

Бу ерда ҳамшира тўкинчилик, ҳамма нарса етарли. Фақат оилавий қувонч, яқинлар меҳри дийдори етишмайди. Зотан инсон дунёда икки нарсага меҳр ва дийдорга қонмайди. Бу ердагилар ҳам яқинлари, жигарлари меҳри, висолига муштоқ, Уларнинг ҳар бирига меҳр, эътибор

Бу ерда мен касб фидойилиги билан меҳр соғлиги уйғунлашганини кўраман. "Қариялар уйи" ходимлари сиймосида улуг халқимнинг олийжаноб қалбини, кўёшдек саховатини ҳис этаман. Мукаррам Эргашева, Муборак Юсупова, Рая Яхина, Зоя Жуманиёзова, Хури Йўлчиева, Муслима Убайдуллаева, Замира Бурҳоновалар узоқ йиллар ишлаб нафақага чиқишган. Мавлуда Шодмонова, Назира Умаралиева, Гулчехра Мирзаева, Лола Абдувалиева, Лена Ким, Мухлиса Султонова, Гулчехра Бекмуродова каби меҳрибон ходимлар уларнинг хайрли ишларини давом эттирмоқда. Тиббий ходимлар Мавлуда Ботирова "Меҳнат Шўхрати" ордени, Ҳалима Абдуханова "Шўхрат" медали билан тақдирланган.

Ташрифимиз куни шодиёнанинг устидан чиқдик. Нурободлик тадбиркор аёллар Норбуви Тиллабоева ва Улғуғой Омоновалар нурунийларни йўқлаб келишибди. Уларга Қорахитойнинг "Чашма" фольклор дастаси ҳамроҳ экан. Куй-қўшиқлар ўқисик дилларга оз бўлсада малҳам бўлиши, эгилган бошлар кўтарилиши рост гап. "Чашма" қатнашчиларининг ҳар бир чиқиси қарияларга олам-оам қувонч бахш этди. Барча отахон ва онахонлар болажонлар билан рақсга тушишди.

— Тадбир бу ердаги истиқоматчилар учун ҳам, болажонлар учун ҳам катта таассурот қолдирди, — дейди Оҳангарон туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитасининг раиси Барно опа Холтўраева.

— Қарияларнинг халқимизга, давлатимизга бўлган ишончини ҳис қилдим. Улар болажонларни ўз набираларидек қабул қилдилар. Сира бегоналик, ётсираш сезилмади. Халқимизнинг бир тану бир жонлиги шундай лаҳзаларда яққол намойён бўлади, ёш авлоднинг элу юртга бўлган меҳр-муҳаббати янада ортади", деб ўйлайман.

Ғарибнинг кўнгли-тангрининг уйи, дейдилар. Кўнглингизда ғариб дилларни шод этиш истаги бўлса, ушбу меҳр-саховат масканига ташриф буюринг, азиз мухлис. Чунки улар ҳар дақиқа, ҳар лаҳзада кимнидир кутиб яшашади.

Раёхон САЛАЕВА

Урганч Давлат университетига Президент стипендијасининг собиқ талабалари билан ёшлар учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувга олти нафар собиқ иктидорли талабалар тақдир қилинди. Уларнинг бугунги кунда олиб бораётган хайрли ишлари тўғрисидаги фильм намойиш этилди. Собиқ талабалар — вилоят турғуқ мажмуасининг гинекология бўлими шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Қудратбек Жуманиёзов университетнинг тарих кафедраси мудири, тарих

«ЗИЁКОР»НИНГ ЗИЁСИ

фанлари номзоди Санжарбек Давлетов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Урганч Давлат университети бошланғич ташкилоти етакчиси Дилшодбек Ғайбов, университет тарих ва ҳуқуқшунослик кафедраси аспиранти Исҳоқжон Исмоилов, «Адабиётшунослик» мухтассислиги бўйича магистратура талабаси Хикматбек Юсупов, филология факультетининг ўқитувчиси, аспирантура тингловчиси

Насиба Собировалар илм йўлида олиб бораётган фаолиятлари ва келгуси ишлари ҳақида гапириб бердилар.

Хайрли бошламалар ташкилотчиси, «Зиёкор» клубининг раҳбари З.Ёқубова собиқ талабалар, фахрий педагоглар билан ўтказилаётган учрашув ва суҳбатлар талаба ёшлар таълим-тарбиясида муҳим аҳамият касб этаётганлигини алоҳида таъкидлади.

— «Зиёкор» клуби аъзолари асосан ёшлардан иборат. Улар томонидан олиб борилаётган турли тадбирлар шу азиз Ватанни севиш, қадрлаш, ўзаро дўстлик, биродарлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, яқиндан ёрдам бериш сингари олийжаноб фазилатларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этаверади. Инсон яхшиларга эргашиб, яхши ишлардан андоза олиб, ҳалол ва адолатли яшашга ўрганса, демек умри беҳуда ўтмаяпти, — дейди З.Ёқубова.

Дилбар БЕКЖОНОВА



Хоразм вилоят Урганч шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Меҳрибон Собирова билан суҳбат.

ҲАМЖИҲАТ ВА ЯҚИНА БЎЛСАК

- Бугунги кунда юртимизнинг ҳар бир фуқароси олдида элнинг бирор қорига ярашдек олий мақсад турибди. Бу борада кўмитангизда ҳам анча саъй-ҳаракатлар қилинаётгани ҳақида эшитдик.

- Албатта, хотин-қизлар кўмитаси фаолиятининг асосини аёл кўнглига қувват бағишлаш ташкил этади. Шаҳримизда 35 та маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатади. Улар билан биргаликда одамларимизнинг иссиқ-совуғи, бор-йўғи, саломатлиги, қувончу қайғусидан хабардоримиз. Ҳар бир хонадондаги муҳитни соғломлаштиришга ҳаракат қиламиз. Ёшларнинг юриш-туриши, ахлоқ одоби, кийиниши учун ота-оналарнинг масъулигини оширишга ҳаракат қиламиз. Миллий ва диний анъаналар, қадимий урф-одатларимизни ривожлантириш мақсадида амалий тажрибага эга бўлган маҳалла маслаҳатчиларига суянамиз. Кўмитамиз улар билан ҳамкорликда маҳаллалардаги нотинч оилалар билан яқна тартибда ишлар олиб бориш, юзга келаётган никоҳ ажримларининг олдини олиш, аёллар ва вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, уларнинг олдини олишда зарур чора-тадбирларни қўллашга ҳаракат қилмоқдамиз.

Урганч ҳокимининг қарори билан "Урганч шаҳрида 2005-2007 йиллар даврида аёлларни иш билан таъминлаш дастури" ишлаб чиқилганлиги аёлларни иш билан таъмин-

лашдаги энг яхши самарали йўл бўлди. Шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими томонидан кўплаб аёллар иш билан таъминланди, ишсизлик нафақалари тайинланди, аёлларнинг кўпчилиги касб-хунар ўрнаниши учун ўқишга юборилди.

Кўмитамиз шаҳардаги хотин-қизлар манфаати йўлида фао-



лият кўрсатаётган қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. "Мансура-нур", "Чевар", "Машхура" ва "Ҳамдард" ташкилотлари шулар жумласидандир. Бу ташкилотлар маҳаллалардаги хотин-қизлар учун ўқув курслари ташкил этиб, уларга турли касб-хунарлар каби ўрганиш ишлари учун имконият яратмоқдалар, тадбиркорлик сирларини ўрганишда ёрдам кўрсатмоқдалар.

- Аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш бу - фарзанд саломатлиги, қолаверса, миллат саломатлиги дегани, тўғрими?

- "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини

мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устивор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор асосида туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўрикдан ўтказилди, турли экстрагенитал касалликлари бор аёллар аниқланиб, улар амбулатория ва шифоналарда довланди.

Туғишга ёрдам бериш муассасаларида камқонлик касаллигига дучор бўлган туғиш ёшидаги аёллар темир моддасига бой препаратлар билан таъминланган, камқонлик касаллигининг олдини олиш мақсадида вилотга соғлиқни сақлаш бошқармаси ва хотин-қизлар кўмитаси ҳар ҳафтанинг чоршанба кунини "Камқонликка қарши курашиш кунини" деб белгилаган, патронаж ҳамширалар камқонликка чалинган аёлларни назорат-

га олишган.

Репродуктив саломатлик маркази ва Саломатлик институти мутахассислари ёрдамида шаҳардаги барча маҳаллаларда давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Корхона, ташкилот ва муассасаларда аёллар ўртасида спорт мусобақаларини ўтказиб турибмиз.

- Ёшларни ҳаётга тайёрлаш, оила қуриш масалалари қандай ҳал қилинапти?

- Соғлом оилани барпо этиш учун йигит-қизларимиз ҳам жисмонан, ҳам маънан соғ бўлишлари, тиббий билимга эга бўлишлари лозим. Шу мақсадда, янги турмуш қураётган оилалар учун шаҳар ФХДБ бўлими ҳузурда домий "Ёш оила" курси ташкил этилган. Машгулотлари соҳадан ўтаётган ёш йигит-қизлар соғлом оила қуриш хусусида тушунчага ва билимга эга бўлмоқдалар. Маҳаллаларда тегишли идоралар вакиллари билан ҳамкорликда оила никоҳ муносабатларига доир суҳбат ва кечалар уюштирамиз.

- Иш бор жойда камчилик ва муаммолар ҳам бўлади...

- Бор гап! Иш фаолиятимиз давомида бир қатор камчиликлар ва муаммоларга дуч келамиз. Масалан, хотин-қизлар томонидан ҳамон жиноятлар содир этилаётганлиги, оилаларнинг бузилиб кетиши, фарзандини никоҳ ёшига етмасдан турмушга узатиш, сингари муаммолар ҳам мавжуд. Кўмитамиз бу муаммоларни бартараф этишда қатор масъул ташкилотлар ва айниқса, ота-оналар, маҳалла, мактаб ҳамкорлигига таяниб иш кўрмоқда. Зеро, ҳамжиҳатлик ва яқдилликда гап кўп.

Суҳбатдош: Миробид МИРСОДИКОВ

миз, - дейди Султон Шодиев. Бу ёшлар Наврўз, Мустақиллик байрамларида катта уйингоҳларда ҳам ўз санъатларини намойиш этишяпти.

Маҳалла фуқаролар йиғини ёш истеъдодларга кераклик шароитларни яратиб бераётир.

Баҳоидир ЭГАМ

ҚАДРЛАБ, ҚАДР ТОПДИ



Инсон келажагини унинг болалаги белгилайди, деганларича бор. Унда тасаввур кучли, сайру саёхатни хуш кўрадди, гарчи отаси ҳуқуқ-тартибот, онаси савдо ходими бўлса-да, муаллима бўлишни орзу қиларди. Гўдакчилигидаги бегубор орзуларининг ижобати мактабни тугатиб, Самарқанд Давлат университети филология факультетига ўқишга киргани бўлди.

Қайси қиз кўркам, ақлли, таъбию табиати ўзига монанд умр йўлдоши бўлишни истамайди. Муяссар опа ўз орзусидаги йигитни университетда учратди. География факультети талабаси Эркин Латиповнинг ўзига ўхшаб андак хаёлпараст, ўта романтик, тасаввурлар оламида яшайдиганлиги маъқул бўлди, юлдузлари юлдузларига тўғри келди. Муяссар опа ўқишни тугатиб, Жиззахда ишлай бошлади. Бу орада Эркин ака университетни тамомлаб, тўю томошалар қилиб, уни Гиждувонга олиб келди. Қиз бола паллахмон тоши, дейдилар. Лекин тош ҳам яхши ерга тушса сурмадай майин бўлади, замин бағрида унумдор тупроққа айланади. Муяссар опанинг тақдир тоши ҳам маърифатли оила заминига тушгани боис, у унинг, ўсида: севимли ёр, яхши рафика, садоқатли йўлдош, меҳрибон она, ўқувли келин, саранжом-сарийшта бека, ҳамиятли ҳамкасб сифатида обрў топди.

Дастлаб 1962 йилда 2-сон интернат мактабда меҳнат фаолиятини бошлаган бўлса, 1972 йилда янги қурилиб, ишга туширилган мактабга ишга ўтди. Она тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб, нафақага чиққунча шу бўлим масканида ишлади. Иш тажрибаси вилоят миқёсида омалаштирилди. Республика педагогик ўқишларида қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаш, ўқитувчилар малакасини ошириш институтида ҳамкасбларига дарс бериш ҳам ҳаммага насиб этавермайди, ахир. Методист, олий тоифали ўқитувчи бўлиш учун ҳам меҳнат қилиш керак.

Оила юмушлари, мактабдаги ишлардан ортиб, бир неча йил туман халқ таълими бўлими она тили метод бирлашмаси бош-

лиги, мактаб хотин-қизлар кенгаши раислигини ҳам эгаллади, маҳалла ишларига ҳам яқиндан ёрдам бергани-чи? Ҳа, у аввало касбини, кейин ҳамкасблари, ёру дўстларининг қадрига етди. Ардоқларига, азиз бўласан, деганларидек, ўзи ҳам азиз бўлди, қадр топди. У нафақат ҳамкасблари, эрининг қариндош-уруғлари, балки Гиждувонда топган ёру дўстларига ҳам бирдек меҳрибон ва садоқатли. У бўлган давралар жуда хушчақчақ ўтди. Аскияро пайроғга ўч, жуда тоғлиб гапирадиган, ҳазил-мутойибани жойига қўядиган Муяссар опа давраларнинг гули, суҳбати гуландом, булбулзабон.

Кофияю қочиримларига жавоб қайтариш, унга муносиб сўз топиш мушкул. - Бундай мартабаларга эришганим, хурмат-эътибор тоғганим учун устозларим Раҳматулла Шарипов, Сайфиддин Ражабов (марҳум) ҳамда ҳозир ҳам маслаҳатлашиб турадиган ҳамкасбим Нажмиддин Жўраевлардан ва албатта мени шунчаки келин деб эмас, ўз фарзандидек қабул қилган гиждувонликлардан миннатдорман дейди опа.

Турмуш ўртоғи Гиждувон халқ таълими ривожига муносиб ҳисса қўшган фидойи инсон Эркин ака билан топган жавоҳирлари беш фарзанди - Бортир, Уткир, Шавкатжон, Насибона, Наргизлар унинг жону дили. Ҳар бир ютуғидан қувонади уларнинг келинлари Моҳира, Моҳигулу, Гулмираларнинг рўзгор тутишларидан, ўғилларига меҳрибонлигидан шодланади. 13 неварасига қараб яйрайди. Шогирдлари Шохиста, Феруза ва Марҳаболар билан хабарлашиб туриш одати.

- Энг қувончли кунларингиз? - сўрайман опадан.

Келин туширган, невара қўрган кунларим. - Биз энди ўқитувчилар сулоласи бўлдик - икки қизим, келиним касби-мизни танлаб қаторимизга қўшилганидан хурсанд эдик. Энди сафимизга неваралар қўшила бошлаганидан бошимиз осмонда.

Етмиш ёшида ҳам гулдек очилиб, яйраб юрган бу аёлнинг касби табарруқ, ўзи муқтараму сўзи муқаррам, орзулари эса хаёлларидай юксак.

Бахшанда БОЛТАЕВА, Бухоро вилояти, Гиждувон шаҳри.

«СЎФИЁН» ЮЛДУЗЛАРИ

Қизилтепа туман Бўстон қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Сўфиён қишлоғи энг қадимий гўшалардан. Бу ердан машхур полвонлар, эл таниган санъаткорлар етишиб чиққан ва чикмоқда. Кураш бўйича мамлакат чемпиони Аббос Турсунов, қўл түпи бўйича Ўзбекистон чемпиони Сардор Ёдгоров, ажойиб рассом бўлиб етишган Анвар Шодиев, танкили қизикчи, қатор кинофильмларда роллар икромла-

ётган Санжар Шодиев шулар жумласидан.

«Ижтимоий ҳимоя йили»да шу маҳалла фуқароси Султон Шодиев ўз ташаббуси «Сўфиён юлдузлари» ёш истеъдодлар тўғрагини очди. Ҳозир унда 38 нафар ёшлар доира, рубоб ва бошқа чолғу асбобларини чалишни ўрганмоқдалар. - Кам таъминланган оилаларнинг тўй-томошаларига бепул, бошқаларига уларнинг имкониятларига қараб хизмат кўрсатаймиз, - дейди Султон Шодиев. Бу ёшлар Наврўз, Мустақиллик байрамларида катта уйингоҳларда ҳам ўз санъатларини намойиш этишяпти.

Ушбу саҳифа Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. Лойиҳа номи: «Оналик ва болалик муаммолари, Хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар»

Шахсий фикр

ЭНГ КАТТА БОЙЛИК—САБР-ҚАНОАТ

Билибми-билмайми, баъзан инсонлар хатога йўл қўядилар-у, аммо фарзандлар гуноҳсиз гуноҳкорлар бўлиб қолади. Фарзандлар гоҳо бахтсиз бўлишларига ёки ёмонлик боткоғига ботиб қолишларига сабаби бўлгучи ҳам ота-онадир. Оила ришталари меҳр-оқибат, муҳаббат билан қанчалар мустаҳкам боғланган бўлса, фарзандлар келажаги ҳам шунчалик порлоқ бўлади, уларга толе ҳам кулиб боқади.

Маълумки, ҳозирги кунда тирикчилик деб оиласидан, фарзандларидан кечиб, чет элга иш излаб кетувчилар ҳам оила паноҳбонлари—бек ва бекаларидир. Хўп, эркаклар зиммасида оилани тебратиш вазифаси юкланганлиги учун ҳам балки пул ишлаш учун кетишга тандир, аммо аёллар-чи? Болаларини, баъзан эрини ташлаб кетишларини ким қандай баҳолайди? Бурунги замонда ҳам савдогарларнинг рафиқалари неча ойлаб оилада ёлғиз қолиб, фарзандларини тарбиялаш вазифасини бажариб, эрларини кутиб ўтиришган-ку.

Гулсара эрининг топганига қаноат қилмай, ўзи тижорат билан шуғуллана бошлади. Тижоратни аввал болалар кийимларидан бошлаган Гулсаранинг иши юришиб кетди. Мотоцикл аравачаси билан тирикчилик қилиб юрган эрига баъзан яхшигина пул тушса, баъзан топгани ёқилгисини ҳам қопламасди. Шунинг учун гоҳида уришиб ҳам қолишарди.

Шухрат бу ҳолга узоқ чидай олмади. У ўртоқлари билан Россияга ишга кетмоқчи бўлди.

— Гулсара менга бир оз пул берсанг, мен Расуллар билан ишга кетмоқчиман. Ишим юришиб қолса, уй-жойни ҳам яхшилаб тўғрилаб олардик. Ўғлимизнинг тўйини қилардик, — деди бир кун у.

— Майли, топиб бераман. Пул юбориб турарсиз, албатта. Бу ерда бекорга умрингизни ўтказиб юрибсиз. Мана кетганлар машина миниб келишарди. Зора, бизнинг ҳам елкамизга офтоб тегиб қолса... — деди Гулсара.

— Шу, болаларни соғинаман-да, — деди эри. — Нима кетганларнинг бола-чақаси йўқми? Сиз аввал қўйиллатиб пул топиб келинг, кейин болаларингиз билан маза қилиб яшайверасиз, — жавоб берди Гулсара.

Шухрат белгиланган кунни ўртоқлари билан Россияга қараб йўл олди. Эри кетгач, Гулсара тижорат баҳона бошқа қилиқлар ҳам чиқара бошлади. Ҳатто болаларининг олдига ҳам ҳар хил эркаклар билан маишат қилиб ўтираверарди. Бу ҳол еттинчи синфда ўқийдиган қизига ёқмасди. Онасига норози ҳолда бу одатни ташлашини сўради.

— Сен зумрашанинг мен билан ишинг бўлмасин. Мен сенларни деб кеча-ю кундуз югурсам-у, камига ақл ўргатасанми?.. Менинг ҳам дам олишга ҳақим бор, — деб уришиб берди.

— Ойи, бизни қўни-қўшилар қўли билан кўрсатишарди. Дадам келсалар нима деб жавоб берарсиз?..

— Сенинг ишинг бўлмасин. Бу менинг ҳаётим. Одамларнинг гапи билан неча пуллик ишим бор.

Она қизининг келажаги ҳақида қайғурмади. Унга тегадиган гап-сўзлар билан қизиқмади ҳам. Тўғри ҳаёт ўзиники, аммо фарзандларининг эртаси-чи? Уларнинг бахт-иқболи-чи? Эри ўзга юртларда овора-ю, сарсон бўлиб, ризқ-насиба излаб юрган кезларида рафиқаси хиёнат қилиб юришини тасаввур ҳам қилиб кўрмаганлиги аниқ.

Ўртоқларининг гап-сўзлари, маҳалла-қўйнинг ачиниби қарашлари қизга алам қиларди. Қизалоқ аламини йиғидан оларди.

Тўғри, ҳамма аёл ҳам сабр-қаноатли, метин иродали бўлавермайди. Аммо аёл улуглиги, ирода-си—сабр-бардош билан ҳаёт кегиришидадир.

Ҳар бир инсонга инсоф берсин. Сабр-қаноатни ўзидан узоқлатмай ақл идрокини ишлатиб яшаш, ўзини эмас, фарзандларининг эртанги кунини ўйлаб яшаш кўпчилик ўзбек аёллари—оналарига хос фазилат. Савдо соҳасида неча йиллар ишлаб, болаларига гард юқтирмаган аёллар ҳам онадир. Оилада аёл ҳам, эркак ҳам ўз бурч вазифасини унутмас, гўзал ҳаёт уларниқидир.

Азиз замондошим! Сабр-қаноат ҳаётингиз йўлдоши, умрингиз мазмуни бўлсин.

Суманбар ЧОРИЕВА,
Қарши тумани, "Насаф" ш/х,
"Янгиобод" маҳалласи.

XII. ЧИҚИШМАСЛИК ЗАМИРИДА НИМА БОР?

Бу дунёда нимаики тирик жон бор экан, нафақат эркаклар эркаклар билан, балки жуфтлар жуфтлари билан ҳам ўзаро уришадилар, қиргинбарот бўлиб турадилар.

Нечун? Шунинг учунки, ҳар қандай тирик мавжудот бир-бирлари билан узоқ ёхуд умрбод бирга яшар экан, бирда бўлмаса, бирда табиатан чиқишмай қолади.

Инсон, деб аталмиш олий эо-чи? Нечун улар орасида ҳам уриш-жанжаллар чиқиб туради? Эркаклар билан эркаклар, аёллар билан аёллар орасида бўлиб турадиган жанжал-тўполонларни қўйиб турганда, нечун бир-бирларини ардоқлаб, эркалаб яшаб келаётган эр-хотинлар ўртасида ҳам низолар, зиддиятлар келиб чиқади? Улар кучайгандан кучайиб, газак оули муқаддас аталмиш оилалар бўлиб кетади? Болалар тирик етим бўлиб қолади? Бу-

ўртасида келиб чиқадиган низоларга ҳам аслида юқорида айтиб ўтилган нобоп психик ҳолат сабаб бўлади. Баҳона эса ҳар доим топилади. Хўш, буни қандай бартараф этиш мумкин? Буни яна битта нарса билан юксак тараққий этган онг билан бартараф этиш мумкин. Буни онгли, ор-номусли эр-хотинлар ўртасида чиқиша олмаслик кам учрашадан ҳам билса бўлади. Улар ҳаётининг нисбатан тинч-тотув кегиши шундан бўлса ажабмас. Шундай бўлгач, эр-хотинлар, айниқса, ёш жуфтлар ўрталарида гиди-биди чиқиб қолганда улар бунга жудаям жиддий аҳамият беравермасликларини керак. Ўзларини орқага ташлаб, буни узоқ вақт бирга яшаганда тибитан сиғишмай, рухан чиқишмай қўйишдан деб билиб, вақтида жаҳлдан тушишлари лозим. Ақлли одамларнинг онгли фарзандлари худди шундай қилади.

"Эр-хотинлар тоифаси" рукнига кирган "Қайчи" (29-сон), "Эгов" (30-сон), "Зирапча" (31-сон), "Тарсаки" (32-сон), "Ғазаб" (33-сон), "Араз" (34-сон) каби лавҳаларда эр-хотинларнинг можаролари тасвирланган эди.

ўйлайдилар. Бирга яшаб-яшаб кета олмайдилар. Чиқишмаслик - умр эгови! Демак, уларга жуда қийин бўлади... Токи, ўрталарида илиқлик пайдо бўлиб, бир-бирлари билан чиқишиб кетмагунларича анча оғир бўлади. Энди нима қилиш керак. Энди, ақл топиб, онгни ишга солиб сиғишмаслик дардини енгиш керак. Бунинг учун эса мустаҳкам иронда, кенг қамровли ақл, толиб-толмас сабр-тоқат зарур бўлади. Мабодо, эр-хотинлар шунга қодир бўлсалар, билингки, булар маълум вақтдан кейин жуда аҳил, ўта инок, бағоят меҳр-оқибатли бўлиб кетадилар. Улардан дунёга келган зурриётлар ҳам иродали, матонатли, оқибатли бўлиб етишадилар...

Яшасин сабр, яшасин матонат! Ким кузатган, кимнинг кўзи тушиб қолган билмадим-у, кабутарларнинг нар-модалари жуфтликка аҳди-паймон қил-гунларига қадар баъзан анча машаққат чекишларига тўғри

ЭР-ХОТИНЛАР

ларнинг асл сабаби нима? Этибор беринг, инсонлар (бизнинг муҳокамамизда) эр-хотинлар - бир кун, бир ой, бир йил эмас, узоқ, умр бўйи бирга яшайдилар. Бирга яшагандан кейин уриш-жанжал чиқиб туради-да, дейдилар баъзилар.

Тўғри, аммо бунинг ҳамма хаёлига келтиравермайдиган бир сир-синоати бир. Узоқ бирга яшагандан кейин бир-бирларини севиб, меҳр қўйиб келаётган эр-хотинлар ўртасида ҳам ўзлари билиб-билмас, англаб-англамас «кўнгилга тегиш» дақиқалари бўлади. Дунёқараш, фикр юри-тиш бир-бирига мос келмайдиган сониялар юзага келади. Айни пайтда эр-хотиннинг гапи-гапига, иши-ишига тўғри келмайди. Ҳатто, кайфиятлари, хаёллари, қарашлари бир-бирига мос келмай қолади. Натижада, эр-хотин ўртасида келишмовчилик пайдо бўлади. Келишмовчилик низога бориб етади. Низо эса кучайиб, жиддий тортишувларга, уриш-жанжалларга етаклайди. Чунки уришиб жанжаллашаётган эр-хотинлар бутун эътиборларини, талабларини одатда масаланинг фақат ташки томонига, яъни предметига, сабабчисига қаратадилар. Сеники эмас, меники тўғри, дейдилар. Менинг айтганим бўлади, деб туриб оладилар. Аслида эса бу пайтга келиб эр-хотинларнинг сезги-туйғулари, меҳр-оқибатлари, сал бўлса-да, совиган бўлади. Совишдан бўлиб кетган яқдил қарашлари битта фикр доирасига сиғишмай қолади. Кўнгил, ҳис-туйғу, майл бирдамлиги йўқолади. Образли қилиб айтганда, тескари магнит юзага келади. Натижада, улар ўртасида маънавий-руҳий зид ҳолат пайдо бўлади. Севишган ёш жуфтларнинг ўзаро уришиб қолишлари ҳам худди шундан-дир. Юқорида айтганимиздек, неча-неча йиллар ёки умрбод бирга ҳаёт кегириб келаётган уяли-жували, кекса эр-хотинларини гапирмасак ҳам бўлади. Жуда қад-рдон дўстлар ҳам узоқ вақт бирга бўлгудай, бирга яшагудай бўлсалар, пайти келадими, улар ҳам ўзаро конфликтга бориб қолганларини ўзлари сезмай қоладилар. Ака-укалар, опа-сингиллар, ҳатто, ота-оналар билан фарзандлар



ТОИФАСИ

Ушбу можароларнинг аксарияти аслида эр-хотинларнинг маънавий-руҳий зиддияти чиқишмаслиги орқасидан келиб чиққан. Бу эса ўз навбатида, онгсизлик туфайли катта-катта жанжалларга айлиниб кетган... Уйлаймики, булар сиз азиз муштарийлар билган, эшитган турмушларнинг нотинч эр-хотинларга бир сабоқ бўлиб таъсир этса, ажаб эмас... Чиқишмаслиқнинг бошқа турлари ҳам бор. Масалан, бир одам иккинчи бир одам билан ёки бир одам бир гуруҳ одамлар билан чиқиша олмайди. Қони-қонига қўшилмаслиги у ёқда турсин, гапи-гапига тўғри келмайди. Бундайлар бир-бирларига бегона бўлсалар қай-хай. Қуришмай, қўшилмай қўя қоладилар, тамом! Ака-укалар, опа-сингиллар бўлсалар-чи? Бу ҳам баҳардон. Жой-жойларини топиб, чиқиб кетадилар, қутлидилар. Тақдир тақозоси билан ниқоҳдан ўтиб оила курган эр-хотинлар ўртасида шунақа чиқиша олмаслик юзага келса-чи? Унда, у ҳолда муносабат анча мушкуллашади. Улар табиийки ажралиб кета олмайдилар-оила шарафини

келади. Эркинликда нарлари моддаларини қувлаганлари қувлаган, чўқиқанлари-чўқиқан, қафасга солиб қўйилганда эса уришганлари уришган, қанотлари билан савалашганлари савалашган, охир-оқибат ярашадилар, жуфтликка рози бўладилар, оила қурадилар. Кейин бориб бу оила шунақа мустаҳкам бўлиб кетадики, тақдир ҳукми билан аллақайси ўлкаларга бориб қолган нарлари бўлсин, моддалари бўлсин ўз ошёнларини, ўз оилаларини қидириб-излаб қайтиб келадилар. Бу нимадан? Бу - олдини-га сиғишмаган паррандаларнинг бора-бора сиғишиб, бир-бирини ёқтириб, бир тан, бир жон бўлиб кетишларидан! Нима, бундай воқеалар инсонлар орасида учрамайди? Учрайди! Учраганда ҳам қандоқ! Буларнинг ҳам аксарияти ниқоҳ-ятда тинч-тотув яшаб кетадилар. Муҳаббатлари ҳам, меҳр-оқибатлари ҳам бўлинмас бўлиб камол топади.

Азизжон ҚОСИМОВ

Хонамга кириб келган зиёли кўри-нишдаги эркак билан саломлашдим. Уни ўтиришга таклиф этдим. У сўра-шиб бўлгач, қора папкасини қўлига олиб, бир-икки айлантирди. Сўнг, унинг ичини очиб, бир-иккита "Оила ва жамият" газеталарини олиб менга кўрсатди.

- Мана шу газетанинг борлиги учун раҳмат. Уқиган сайин дардингни олади. Мен ҳатто аёлим билан дардла-ша олмаيمان. Оиланг, фарзандларингдан меҳр кўрмасанг қийин

якши кўришини айтарди. Лекин фар-зандингиз ҳар доим болагигча қолиб кетмас экан-да. У бир куни улгайрган, керак бўлса сизга ҳам ақл ўргата бош-лар экан.

Қизим Гулноз менга ақл ўргатса ҳам майли эди... Унинг қилигидан қаттиқ хафа бўлганман. Аёлимнинг гапидан-ку, янада қаттиқ хафа бўлдим.

- Қизингиз нима қилганди ўзи?

- Гулноз катта бўлган сайин ўз билга-нидан қолмайдиган қиз бўлди. Ҳеч ким-нинг ҳатто, онасининг ҳам гапига қулоқ

чирим сўрагин", -дебди. Қизим бўлса: "Нега энди кечирим сўрар эканман? Ахир мени урди-ку, керак бўлса отам-нинг ўзи мендан кечирим сўрасин. Мен уни шунда ҳам кечирмайман", - деган-миш. Хотиним бу гапларни бамайли-хотир, қулиб айтди. Менинг эса хўрли-гим келди.

- Онаси қизига отани хурмат қили-ши лозимлигини тушунтирса бўларди-ку...

- Назаримда онасининг ўзи ҳам бо-лаларга шундай тарбия берганга

лаб, рўзгорим учун пул топиб кела-ман. Шу пулга қизим ҳам ўзига ан-войи кийимлар сотиб олади, еб-ича-ди, йўлига сарфлайди. Мен бир нар-садан таъвишшадман. Ҳозир-ку, уйда менга қилаётган муносабатини ҳеч ким билмайди. Лекин, кейинчалик турмушга чиққанида эрининг олдида ҳам мени хурматсиз қилса, нима деган одам бўламан?

- Қизингизни ёнингизга ўтказиб, ётиги билан гаплашиб олсангиз бўлмайми?

ОТАНГИЗНИ РАНЖИТМАНГ!

экан... - дея гап бошлади у. - Исмим Салимжон. Олийгоҳлардан бирида дарс бераман. Не-не шогирдлар тарбиялаб чиқарди. Ханузгача келиб-ке-тиб, ҳол сўраб юришади.

- Тахририятга сизни қандай са-баб бошлаб келди?

- Аслида оила сирини кўчага айтиш-дан ёмоний йўқ. Мен бир муаммо ҳақида ўйла-ўйлаб сиқилиб кетдим. Аёлим ҳам менга ҳамдард бўла ол-магач... Очиғи шу ёшга келибманки, оилам, болаларим тўкин ҳаёт кечи-риши учун ҳаракат қилдим. Ўзимни ўтга-чўққа урдим. Илмий иш билан банд бўлдим. Оиламдан ойлаб олис-ларда юрган пайтларим ҳам бўлди. Лекин нима бўлганда ҳам оилам мен учун биринчи ўринда турарди. Бирок мана шу ишим нотўғри бўлган-ми, дея ўйлаб қоламан баъзан.

- Нега энди? Оилани таъмин-лаш ҳар бир эркакнинг вазифа-си-ку!..

- Шундай. Фарзандларим ҳеч қачон қийнашмаган. Бирок, улар-нинг тарбияси доимо аёлимнинг зиммасига тушган. Мен назаримда ота сифатида бир четда қолиб кет-гандекман...

- Бундай дейишингизга сабаб борми?

- Эҳтимол бу ишим нотўғридир. Лекин тахририятга Гулноз исмли қизимнинг қилиқларидан хафа бўлиб келганман.

- Яъни...

- "Қиз бола отасига меҳрибон бўла-ди", - дейишган. Рост. У кичкина пай-тида еру кўкка ишонмасдим. Кунда қизалоғим учун бир тансиқ нарсა кўтариб келардим. У ҳам бўйнимдан қучоқлаб олиб эркаланар, мени

солмайди. Онаси эса бунди одатий ҳол сифатида қабул қилади. Мен бўлсам... Ҳозир қизим мен билан гаплашмай қўйган. Ваҳо-ланки ота сифатида уни қойишга ҳаққим бор. Бир куни мен икки ўғлим билан уйда телевизор кўриб ўтиргандик. 22 ёшли қизим эса ваннада чўмила-ётган экан.

Бир пайт денг, белига, сочи-кини ўраб олиб, ярим яланғоч ҳолда ёнимиздан ўтиб, ичкари уйга кириб кетди. Бўй етган ўғилларим ерга қараб қолишди. Жаҳ-лим чиқиб кетди. Ичкарига кириб бир шاپалоқ урган-имни биламан, додлаб уйни бошига кўтарди. Ба-қириб, мени ҳақоратлай бошлади. Жанжални эшит-ган аёлим ошхонадан югу-риб келди. Ҳали ҳеч гап-ни тушунмаса-да, менга бақира кетди.

- Сиз аёлингизга бу бо-радаги ўз фикрингизни айтмадингизми?

- Айтдим. Ётиги билан тушунтирдим. Қизимизга она сифатида насиҳат қили-шини айтдим. Кейин қарасам қизим менга салом бер-маяпти. Ғўдайиб кириб, ғўдайиб чиқиб кетади. Бир дастурхон-да ўтириб овқат есак ҳам менга теска-ри ўтириб олади. Майли, "Бир куни ўзига келиб қолар", - деб ўйлаб, инда-май юргандим. Қарасам, ҳаддидан ошиб кетаяпти. Онаси: "Отангдан ке-

ўхшайди. Айтдим-ку, мен иш, пул то-пиш билан банд бўлдим. Бундай қил-маслигим, оиламдан узоқлашмаслигим керакмиди? Очиғини айтсам оилада менинг ўрним унча билинмайди ҳам.



Лекин ҳозир ҳам икки-уч жойда иш-

- Қани энди, шунга кўнса? Бир куни энди шу ҳақда гап бошлагандим. "Иккинчи менга бундай нотация ўқиманг. Вояга етганман. Нима қилиш кераклигини ўзим биланман, ақл ўргатманг!", - дея чўрт кесди. Мана энди ўз уйимга ҳам бегонадек кириб бораман. Иложи бўлса қизим билан бир дастурхон атрофида ўтир-май, дейман. Энди нима қиламан? Бу муносабат шун-дай давом этаверса... Ё мен, ё у уйдан бош олиб кетиши-мизга тўғри келади. Наҳотки оталик қадрим бўлмаса?

Салим аканинг гаплари-ни эшитиб унга ачиндик. Ота дуосини олманг қиз, эртага бировнинг уйига келин бўлиб борганида ти-ниб-тинчиб кетармикан?

- Гулноз! Отангизнинг ди-лини оғритманг. Қандай қилиб сизни дунёга келтир-ган, сиз учун елиб югуриб, ҳеч қимдан кам қилмай тар-биялаган инсоннинг юзига оёқ қўйдингиз? Ҳали ҳам кеч эмас, дарҳол отангиз-дан кечирим сўранг. Одат-да турмушга чиқайтиб, ота-нинг оқ дуоси олинади. Акс ҳолда қиз бола бахтли бўла олмайди. Отани ҳам боғлаб берган эмас. Бир куни унинг дийдорига зор бўлиб, ар-монда қолманг!

Азиз муҳлис! Биз Гулнозга шун-дай маслаҳат бердик. Сиз нима деган бўлардингиз?

ГУЛБАШАҚАР

Ушбу дил изҳорини ўз ўғлини келинидан қизганадиган қайноналар ва ёши қирққа етса ҳам онасининг этагини тутиб ўтира-диган "эркак"лар ўқисинлар.

Қизгинам ёлғизим эди. Не-не машаққатлар эвази-га топган эдим уни. У дунё-га келгунча не-не даш-номларни эшитмадим. Ўн йил кутиб-кутиб, орзиқиб топганим шу қизалоғим эди. Эр-хотин иккимиз уни еру-кўкка ишонмасдан кат-та қилдик. Дунёда ёлғиз фарзанднинг қошига терму-либ яшаш нақадар оғирли-гини мен қабилар тушуна-дилар, ҳолос.

Бахтимизга қизимиз зийрак ва меҳнаткаш бўлиб вояга етди. Мактабда ҳам, олий-гоҳда ҳам доим биринчилар сафида бўлди...

Кунларнинг бирида сен уч-радинг. Қизимнинг, ёлғизги-ни фарзандимнинг ота-она-си мансаб-мартабали одамлар эканлиги сени ўзига жалб этди ва уни ўз тузоғинга туширдим. Сен қизимни ҳеч қачон севма-гансан. Биз отаси иккимиз бунди ўша захотиёқ тушун-дик. Аммо унинг кўзи қўр, қулоғи қардек, ғўё дунёда

сендан бошқа ҳеч ким йўқдек эди. Уйландинг ҳамки қизим-га меҳр қўя олмадинг. Хиёнат қилар эдинг. У бечора ҳамма қилиқларингга чидади, барча-

ҚИЗИМ КЕЧИРСА-ДА...

сига кўзини юмди.

Онанг эса доимо сен томон-да эди. Қизинам ўн беш йил-лик умрини сени деб, беса-мар ўтказди.

Шу вақтгача онанг ёки икки онанг унинг ҳоли нима кеч-гани билан ҳатто қизиқиб кўрмадинглар. Нима бу, ўзи-ни осмонда ҳисоблашни? Ёки қизимнинг бирор айби бормиди? Ёки фарзандлари-ни сизларникига кўчадан етаклаб борганимиди? Тирик

инсонларнинг ҳаётини ўйин-чоқ қилишдан бошқа нарса эмас бу. Сен шундай ҳаёт кечирини афзал билдинг-ми ёки онангнинг буйруғи-ми - унис менга қоронғу. Ўз укаси хотини ва фарзандла-рини хор қилиб қўйганини билган опаларингнинг бири шифокор, бири педагог эди. Ананг-чи? Наҳотки она бўлиб

сенга ўз сўзини ўтказа ол-маса? Албатта ўтказа олади. Фақат ўзи истасагина. Аммо у бунди истамайди. Сен бечо-ра эса онангнинг қўлидаги бир қўғирчоқсан. Шу хотин билан "яша" деса яшайсан, "ҳайда" деса ҳайдайсан. Анангни ҳам сенга боғлаб бермаган. Ақл ўргатадиган опаларингнинг ҳам ўз оила-си бор. Уй-жой фақат ўзига тегишини кўзлаётган уканг ҳам ўзи билан ўзи андармон.

Мақтубларингиздан бири

Сен-чи, сен? Сенинг ҳеч ким-нинг йўқ. Қариган чоғингда бир пиёла чай берадиган, ўз пушти камарингдан бўлган норасидалардан юз ўтирдиг. Фарзандларингга меҳр бер-дингми? Қўлчаларидан етак-лаб, бирор марта олиб юр-дингми? Касал бўлишганида, қизим шўрлик касалхонама-касалхона юрганида далда бердингми?

Уғлинг икки ёшлик ғўда-лигида жарроҳлар тезда қон беришинг кераклигини ай-тишганда сен қаерга қочиб кетдинг? Қон бермасанг ҳам ҳеч бўлмаганда қизимга дал-да бўлишга нега ярамадинг? Шу каби саволларимнинг саноғи йўқ! Сабаби эса ту-шунарли. Сенинг хотининг-га, яъни менинг қизимга қўнғлинг йўқ эди. Сенинг бу қилмишларингни ҳамма бил-са қанийди? Ҳатто, иш-

хонангдагилар ҳам ажраш-ганингни билишмас экан. Фарзанд уволи сени бир кун тутди. Мен бунга амин-ман. Ахир ниманики қил-санг хор, ўшанга бўласан зор, деб бекорга айтилма-ган. Аммо унда кеч бўлади. Сен ҳаёти поёнига етган бир ожиз банда бўласан. Балки, сен "Менинг фарзанд-ларим бир куни мени дей-дилар", - деб ўйларсан. Адашасан. Чунки уларнинг қўнғли совуб бўлган. Ин-соннинг ёшлигида қўргани ҳеч нарсга эмас экан. Қари-ганда илоҳим шу ёлғизим ўғил-қизининг роҳатини кўрсин. Сендан ёруғлик кўрмади. Қалбидан ҳеч қим-га жой бермай умрини шу-гина фарзандларига бағиш-лади. Уларнинг кўз ёшлари-ни оқизмади. Отаси бўлса-да, тирик етимларнинг боши-ни силаб, умрини ўтказаяп-ти. Худодий уни ёрлақсан. Сен-чи? Сени қизим бари-бир кечиради. Аммо Оллоҳ кечираармикан?

Қуйган бир она

ЎЗ ҚАДРИНИ БИЛМАГАН...

Акс-садо



“Онам десам, болам йиғлайди” - 34-сон

ЭСЛАТМА: Институтни тугаллаш арасида ота-онанинг қистови билан уйландим. Хотиним Мавлуда билан орамизда тез-тез гап қочади гап бўлиб қолди. Ундан онамни ҳурмат қилишни талаб қилсам, болаларимни олиб кетаманга тушади. Онам десам, болам йиғлайди. Нима қилай?
Муаллиф: Ҳ. Ҳотамбоева.

Хурматли ўғлим Зуфаржон! Сиз олийжаноб, ўқимишли, дунё қарашингиз кенг, пок виждонли инсон экансиз. Онангиз бор-сизнинг бахтингиз бор. Фарзандларингиз бор-сизнинг бахтингиз бор. Шундай экан, бундай бахтининг қадрига етиш сизнинг вазифангиз.

Маҳалла қарияларини чақириб, хотинингизни онангизга бўлган ёмон муносабатини ошкор қилиб, уни тартибга чақириб, қарияларга бўлган муносабатини тўғри йўлга қўйиб керак, деб ўйлайман. Мавлуда, сизга берадиган маслаҳатим шуки, ўзингизни қайнонангизнинг ўрнига қўйиб кўринг-чи! Қайнонангизнинг турмуш ўртоғи вафот этган. Уни ёлғизлик азоби қийнапти. У бечора бир оғиз ширин сўзга зор.

Меҳрга зор. Сиз эса унга яхши муомала қила олмайсиз. Эй қизим, бу дунёни қайтар дунё дейдилар. Фарзандларингиз бор экан. Қайнонангизга яхшилик қилсангиз, келгусида фарзандларингиздан сизга яхшилик қайтади, ёмонлик қилсангиз—ёмонлик. Шунинг учун ҳам сиз қайнонангизга ширин сўзли бўлинг. Унинг айтганларини қилинг. Унга меҳр беринг! Шунда сиз Зуфаржоннинг ҳам ҳурматида сазовор бўласиз. Оилангиз тинч-тотув бўлади. “Мен болаларни олиб кетаман”, деб Зуфаржоннинг кўнглини ранжитманг. Ундан кетиб, бошқа билан турмуш кўрсангиз ҳам у турмушингизда бахт топмайсиз, болаларнинг кўз ёши-ю, газабига учрайсиз. Эрак киши ишдан келганида сиз унга туққан онасининг камчиликларини гапириб, кўнглини ранжитсангиз, бу эрак сизга меҳр қўймайди, аксинча сизга бўлган муҳаббати секин-аста сўна бошлайди. Оиладан беада, ўзига тинч ҳаёт қидира бошлайди. Жанжаллар эракиннинг ичи-

киликка берилишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Эски шаҳарда яшаганимизда, маҳалламизда бир Сарви хола деган аёл яшарди. Эри фронтда вафот этган, эридан битта ўғил, битта қиз билан қолганди. Ўғлини уйлантириб, келин кўрди. Келини жуда ақлли, меҳрибон қиз эди. Лекин қайнона жуда шафқатсиз чикди, у келинига кўп азоб берарди. Қишининг совуқ кунларида битта кўйлақда, оёғи пайпоқсиз келин ховли ишларини қилар, Дархон сувининг ёнида оқайтган булоққа сувга борарди. Совуқ кунда ховлида кир ювиб, сигир-бузоқларга қарар, яна шунча ишга улгуриб, эри ишдан келишига овқат ҳам тайёрларди. Ҳар доим қайнонасига “ойижоним”, деб мурожаат қиларди. Қайнона бўлса танчада қалин кўрпачаларда ўтириб олиб, фақат келинига иш буорарди. Келин шунча қийинчилик кўрса-да, эрига бирин марта шикоят қилмади. Бир куни келин шамоллаб ётиб қолди. Шифокор чақирди, ўпкасини шамоллатиб қўйганлиги маълум бўлди. Кейин касалхонага олиб кетишди. Келин касалхонада бир ой ётди. Қайнона: “Келинимни онаси даволатсин”, - деб касалхонадан тўғри онасиникига жўнатди. Келин иккита боласи билан онасиникида бир ой яшаб келди. Қайнона ҳам яхши тушун-

дики, келин жуда чидамли, меҳрибон экан. Лекин келин оғир касалга йўлиқиб, вафот этди. Ўғли иккита боласи билан оғир ахволга тушиб қолди. Қайнона ўғлини 3 ой ўтмай яна уйлантириб қўйди. Бу келин аввалги келинига сира ўхшамас, қайнонанинг хизматини қилмас, болаларга ҳам қарамасди. Бунинг гувоҳи бўлган маҳалла ахли: “Ёмон қайнонага Худойимнинг берган жазоси шу”, - деб айтишди. Ҳаётда қайнонанинг ҳам, келинининг ҳам ўз ўрни бор. Бизнинг халқимиз бир-бирини хурматини қиладиган, қадрини биладиган халқ. Қайнонанинг хурматини қилмаган аёл ўз фарзандларидан кўради. Эр подшо бўлса, хотин вазирадир. Вазира подшога йўл кўрсатади. Яхши хотин доим эрига ҳаётда ёрдамчи бўлади, эрининг дилини оғритмайди, оилани бошқаришда эрига мададор бўлади. Қизим Мавлуда! Сиз эрингизнинг туққан онасини зинҳор ва зинҳор ранжитманг! Худодан кўринг! Эрингиз оилам, болачакам, деб меҳнат қилиб, сизларни боқаяпти. Хурматини жойига қўйинг! Сиз бахтиёр аёлсиз, сизни хурмат қиладиган, қадрингизга етадиган умр йўлдошингиз бор, фарзандларингиз бор. Ўз қадрингизни билинг.
Ғайнижамол АБДУЛЛА қизи, Тошкент шаҳри.

“Қизларим жуда уришқоқ”, - 29-сон

ЭСЛАТМА: Иккита қизчам бор. Улар чиройли, зуккогина. Аммо сал насага бир-бирининг сочидан тортиб, юзларини тимадлаб ташлашади. Мен эса уларнинг аҳли, олобли, бир-бирларига меҳрибон бўлиб ўсишларини истайман. Бунинг учун нима қилсам, уларга қандай тарбия берсам экан?
Муаллиф: Гулбашакар

деб қўйинг. Уларни ҳар доим мактаб, камчиликларини ҳам айтиб туринг. “Китобчалар олиб келиб бирга ўқиймиз”, дебсиз, “Зумрад ва Қиммат” эртагини уларга ўқиб беринг, уларга савол бериб кўринг: “Сен Зумрадга ўхшагинг келаяптими ёки Қимматгами?” деб... Қизларингиз билан алоҳида гаплашинг. Катта қизингиз билан: “Сен

Лекин мен уй йиғиштиришни ҳам уларга бўлиб берардим. “Сен бу хонани йиғиштирасан, сен эса буни. Қани ким чиройли қилиб йиғиштираркан”, дердим. Секин-секин овқат қилишга, духовкада нон ёпишга ҳам ўргатдим. Тўғри, улар ҳам: “Бу қиз боланинг иши, биз қилмаймиз”, - дейишарди. Лекин мен уларга: “Ишда ушланиб қолсам, кеч келсам уйда овқат йўқ, нон йўқ, деб ўтирмайсизлар, “Йиғитга 40 хунар оз”, деган гап бор”, дейман. Ҳатто,

У СОҒЛОМ ЭМАС!

“У мени тинч қўярмикан?” - 37-38-сон

ЭСЛАТМА: Ишга кетаётим бир таксига қўл кўтарам. У мени ишмага олиб бориб қўйгач, телефонимни сўради. Содаллик қилиб берибман. Шундан сўнг у ҳар қуви уйга қўнғироқ қилаётган бўлди. Ахир эрим, укки болам бор. У мени учрашувга чақираяпти. Борсам кейин мени тинч қўярмикан?
Муаллиф: Ноаира

гини билмагансан-ку. Умарбемор. Унда инсоний масъулият йўқ. Ичиди шайтони бор. У нима қилаётганини ҳам билмайди. Ахир, ўзини билган эрак ён-атрофидаги аёлларга ўз опа-синглиси каби муносабатда бўлмайди. Миллат шаъни, ор-номусини ҳимоя қилиш ўрнига уни топташ, бунинг учун ҳар хил макр-хйлалар ишлатиш, кира ҳақини олмай хижолатга солиш, оилани аёлга уялмай-нетмай “севдим”, деб ўтириш?! Ҳайдовчимисан, кишиларга хизмат кўрсатишни, зимманга вазифа қилиб олдингми, кира ҳақингни ол-у йўлингга кетавер! Оилани аёл шахсий ҳаётига суқлиб нима қиласан? Умарвой! Ўзингнинг хотининг, қизинг ё синглинг, опанга бир ҳамкасбинг шундай тегажонлик қилса, қандай қабул қилардинг? Шунинг учун қадимчилар: “Пичокни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга!” деган-да! Умарга таксичилик қилишга рухсат берган идорами, жамиятми Низомига жиндай ўзгартриш киритиши, йўловчиларга хизмат кўрсатиш чоғида ўзини қандай тутшини ўргатиб қўйиши лозим.
КУҚҚУРФОНИЙ

РОЙИШЛИ ҚИЗЛАР БЎЛИШСИН!

Замира синглим! Қизларингизнинг бири 8 да, кичиги 6 ёшда экан. “Уришса, юз, қўлларини тимадлаб, сочларидан тортишади”, дебсиз. Бунинг олдини олиш керак. Улар уришаётган пайтда сиз: “Уят эмасми, ҳозир қўшни ёки биров кўриб қолса, бу хотиннинг қизлари ёмон, уришқоқ экан, деб айтмайдими?” дейишингиз керак. Кейин иш буюрсангиз, ишни чала қилса ҳам мактаб қўйинг. Масалан: “Нозима қизим, баракалла, катта қиз бўлиб қолибди, ховлини супуриб қўйди, фақат сал чала бўлибди. Қани, Қарима қизим, сен ҳам мана бу идишларни ювиб қўй-чи, сен ҳам катта бўла-япсанми бир кўрайлик-чи”,

катта қизимсан-ку, менинг ёрдამчимсан, яхши қиз бўлсанг, синглинг сендан ибрат олади”, деган гапларни айтин! Кичкина қизингизга эса: “Сен опачанга гап қайтарма, катта опачангни ҳурмат қил. Опачанга қулоқ солмасанг, менинг гапимга қулоқ солмайдиган бўласан”, дейишингиз керак. Менинг иккита ўғлим бор. Бири 15, бири 13 ёшда. Кичкиналигида, иккиси жанжаллашиб, бир-бирларини урарди. Ўғил бола қиз болага қараганда уй ишига унча ёрдам бермайди, - деб ўйласангиз керак.

ҳозирги пайтда мазам бўлмай ётиб қолсам, уларнинг: “Мен овқат қиламан, сен эса ховлини супуриб қўй”, - деган гапларини эшитиб, ич-ичимдан хурсанд бўламан. Замирахон, қизларингизни одобли, меҳр-оқибатли қилиб ўстиришингизга ишонаман. Илоё, қизларингизга ҳамма ҳавас қиладиган бўлиб улғайишсин, яхши жойларга келин бўлиш насиб этсин.
Гулзинат ЖУМАДУЛЛАЕВА Тошкент вилояти, Янгийўл тумани.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

КЎНГИЛ ОҒРИСА...

ҲАБИБА ая!
Табаррук 70 ёшингиз муборак бўлсин. Бахтимизга соғ-саломат бўлиб, узоқ умр кўринг. Яқинларингиз номидан набиранингиз Шухратжон.

Ҳурматли Баҳром ЗИЯЕВ!
Таваллуд айёмингиз кутлағу бўлсин. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларингизга муваффақият тилаймиз. Раҳмоновлар оиласи

Азиз онажонимиз Холида РАҲМОНҚУЛОВА!
Сиз мўътабар онажонимизни таваллуд айёмингиз билан кутлаймиз. Бахтимизга доим саломат бўлинг, узоқ умр кўринг. Ҳамиша қимматли маслаҳатларингиз билан умримизга маъно бағишлаб туринг. Яқинларингиз.

МАҲМУД ака!
Сизни таваллуд айёмингиз билан чин қалбидан табриклайман. Соғ бўлиб, узоқ умр кўринг. Яхшилар ва яхшиликлар ҳамроҳ бўлсин. Сингаингиз Одина

Отасининг қистови билан турмушга чиққан Муҳаббатхон эри билан бахтли бўлолмади. Шу эрдан орттирган уч фарзанд билан отасиникига қайтиб келди. Сўнг орзусига эришиш учун ўқишга кирди. Уни битириб, кишлоғидаги мактабда ишлай бошлади. Болаларини кам-кўстисиз боқиш учун қўшимча ишлар олиб, элларди. Бу кимларнингдир ҳасадини кўзгарди. Мутасаддилардан бири: "Сиз фалон вазифани бажармадингиз!" - деб кўнглини оғрита бошлади. Шунда алами келди Муҳаббатнинг: "Менинг, болаларимнинг қанчалик муҳтожлигимизни билиб-кўриб туриб, қасддан кўнглимни оғритаёсан! Худо кўриб турибди..." - дея кўзларидан ёш оқди. Эртаси куни наҳорда ўша мутасаддининг хотини кириб келди.

- Муҳаббатжон! Бизнинг хўжайинни кечиринг. Бирор гап ўтган бўлса...
- Тинчликми? - деди Муҳаббат.
- Хўжайиннинг мазаси йўқ, Кечадан бери ҳамма ёғи шишиб кетган. Жони оғриб, додлаб ётибди. Табиб ўтган бо-бонгиз кўзига кўринаётган экан.
- Худо шифосини берсин.
Менинг у кишига ҳеч қандай даъвоим йўқ, - деди Муҳаббат ичидан мамнун бўлса-да.
Бировнинг кўнглини қолдириш осон. Кўнгили эса Оллоҳнинг назаргоҳи. Кўнгили оғриси, Оллоҳ ҳам оғринаркан. Бир-биримизга меҳр-оқибатли бўлсак нетади?... Шунда биродаримизнинг кўнгли чоғ, Яратган ҳам бандаларидан рози бўлади.

Рухият сирлари

Мўмин ХОЛМУРОДОВ,
Қарши шаҳри.

ҲАЁТДАГИ СУЯНЧИМСИЗ...
Ҳурматли турмуш ўртоғим Мирмуҳсин ҒОҒУРОВ!
Сиз — оила аталимиш муқаддас гўшамизнинг файзу баракоти, мен ва фарзандларимнинг суянч тоғисиз! Жигарларингизга, яқинларингизга жуда меҳрибонсиз. Қизларимиз Инжубону ва Шукроналарни-ку, жонингиздан ҳам ортиқ кўрасиз. Бугунги таваллуд айёмингиз оиламизга яна

бир хурсандчилик келтирди. Ёру дўстларингиз, яқинларингиз каби сизни таваллуд айёмингиз-ла кутлаймиз. Узоқ умр, бахту саодат тилаймиз.
Сизни замин асрасин, Мовий само асрасин, Тонгда айтилган азиз - Эзгу дуолар кўлласин! Фарзандларим отасин, Оллоҳ ўзи асрасин!
Эҳтиром билан рафиқангиз Зилола, қизларингиз Инжубону ва Шукрона Тошкент шаҳри.

АЖИНА ЭКАН...
Бу воқеани менга онам гапириб бергандилар:
- Сен билан опанг қизалоқлик пайтингиз эди, тобларингиз қочиб, касалхонага ётиб, сизларни даволатишимга тўғри келди. Ёз пайти пишиқчилик даври. Бир куни туш вақтида сизларни олиб ташқарига чиқдим. Қарасам, дарахтлардаги мевалар гарқ пишган. Сизларни ерга ўтиргизиб, мевалардан узишга энди қўлимни чўзган эдим, рўпарадан сарикдан келган фаррош аёл (раҳматли Ой-бозор хола) келаётганини кўриб уялиб кетдим. Қап-қатта аёл дарахтларга осилиб ётибди, дея ўйла-масин деган фикрда, "Болаларга мева узиб бераётгандим", деб ўзимни оқладим. Фаррош аёл эса гапларимга эътибор бермай, ўтиб кетди. Палатага кириб кўзим илинибди. Тушимда бир мўйсафид: "Ҳозир ўтиб кетган ажина эди. Яхшиямки, сен томондаги кўзи кўр эди. Сенга зарар-зиён етказмади", - деди. Уйғониб ёмон ахволга тушиб қолдим. Шундан сўнг ўша дарахтзор тагига қайта йўламадим.
Шодиғул ХУСЕНОВА,
Навоий вилояти,
Нурота шаҳри.

ИНСОФНИНГ СУВРАТИ

Отам ўсмир чоғимизда бир ҳикоят айтиб бергандилар.
Йўловчи йигит олис шаҳарга кетаётди ариқда оқиб келаётган чиройли қизил олмани кўриб қолибди. Уни олиб бир тишлабди-ю, сўнг қилмишидан пушаймон бўлиб: "Аттанг, эгасидан сўрамай бекор едим. Энди эгасини топиб ундан розилик сўрай", дебди ва йўлга тушибди. Юриб-юриб, бир боққа етибди. Бир тишлаганига еган олмаси шу боғнинг эгасига тегишли экан. Йигит боғнинг эгасини топиб, олмасини егани учун рози бўлишини сўрабди. Олманинг эгаси: "Шартим бор. Шунга кўнсанг, рози бўламан", дебди. Йўловчи йигит бироз ўйга толибди-да, сўнг: "Шартингизни айтинг, -дебди.
Боғбон:
-Бир қизим бор, қўли ҳам, оёғи ҳам йўқ, ўзи гунг, кўзи кўр. Сен шу қизимга уйланишинг керак. Шунда гуноҳингдан кечаман,-дебди. Йигит нима қилишини билмай аро йўлда қолибди. Шартига кўнаи деса, қизинг на тили, на оёқ-қўли, на кўзи бор. Кўнмай деса, олмадан бир тишлаб еб қўйган. У уйлаб-ўйлаб, ниҳоят: "Шартингизга кўндим", дебди. Тўй бўлиб, никоҳ ўқилса ҳамки,

у келиннинг қошига боришни хаёлига келтирмасмиш. Охири йигитнинг оёғи тортиб-тортмай, гўшанга кириб борибди. Уйда уни гўзал бир қиз қарши олибди! Қизнинг тўрт мучаси бут экан. Йигит кўзларига ишонмай боғбоннинг олдига чопиб бориб: "Сиз қизнинг қўли, оёғи, тили ва кўзи йўқ, дегандингиз. Унинг тўрт мучаси ҳам соғ-ку!", дебди хайрон бўлиб. Боғбон кулимсираганча: "Уғлим, қизимнинг оёғи йўқ деганим-ўйдан кўчага чиқмагани, қўли йўқ деганим-моҳир пазанда ва чевар, тили йўқ деганим-жуда фаросатли, уйлаб гапиради, кўзи йўқ деганим-унинг кўзи номаҳрам эркак зотига тушгани йўқ, деганим эди", дебди. Йигитнинг димоғи чоғ бўлиб, қайлиғи ёнига қайтибди ва у билан умрининг сўнги дақиқасигача бахтли ҳаёт кечирибди.
Биз дастурхон атрофида ўтирганимизча боғбонларимиз ва оталаримиз яшаган замон одамларининг қиёфасини кўз олдимизга келтиролмай ўйга толамиз. Отам сўзлайверадилар... Хаёлимда эса гўё инсоф ҳақида яратилган машхур бир санъат асари гавдалангандек бўлаверди...
Аннамурод ЖУМАКУЛИЕВ,
Сурхондарё вилояти,
Сариосёт тумани.

Торт, пишириқ, таом ва салатлар тайёрлашни тез ва арзон нархда ўргатаман.
Тел: 170-18-86

«Oila va jamiyat» ўғитномаси ТЎРТЛИКЛАР

КЕЛИНЧАК
Бўй етдинг она қиз энди келинчак,
Орта қолди болалиғи,
сен уйнаган ҳалинчак.
Бугун бу хонадонда сени кутар қуюнчак
Қайнона-қайнотаю, бахтли келажак.
Севган ёринг вафодор,
Бўлсин сенга келинчак,
Уйинг тўрин доимо,
Безаб турсин беланчак.
Райхон ҳиди анқиб турсин ҳовлингдан,
Асал томиб турсин, айтган сўзингдан,
Рўзгорингни бошқариб бор оқила
Чин келин деб ардоқласин маҳалла
Саодат РАҲМАТОВА,
"Болани онангникига олиб бериб шамоллатириб келдинг. Онанг билан ўлдирдинглар", - деб мени роса эза бошлади. Орадан кўп ўтмай иккинчи фарзандим дунёга келди. Эримнинг газиби босилгандай бўлди. Иккимизнинг ишсиз ўтиришимиз тўғри келмасди. Мен қизчам 4 ойлик бўлса-да, онамга бериб ўзим шапка тўқишни ўрганиш учун 2 ҳафта шоғирдликка тушдим. Шапка тўқиб, сота олмай совуқда дийрдираб, уйга қўрқа-писа кириб борардим. Сотган кунларим албатта рўзгорга керакли маҳсулотлар олиб келардим. Ёғ, нон, макарон, чой, шакар... Яна... қайнота билан куёвнинг тупроғи бир ердан олинади, деган гап тўғри, шекилли, эрим: "Кеч қолдинг", - деб сикувга олиб уради. Бола 9 ойлик бўлгач, онамнинг мазалари бўлмай қолди. Қизимга эрим қарашига тўғри келди. Энди мен кўкат сота бошладим. Бир боғ кўкатни икки боғ қилиб сотардим. Эрта кетиб, кеч келаман. Яна рўзгорга керакли маҳсулотлар оламан. Эрим эса: "Нега кеч қолдинг, бола мени еб ташлади", - деб калтаклай бошлади.



чиси мактабда ўқувчи. Эрим... собиқ эрим мен билан яшаганда ётиб овқат ейдиган, жўравон, ишқемас эркак-ёш хотин олгач, шоғирд тушиб усталикни ўрганибди, ишга кирибди. Лекин ўрганган одат ўлганди қолар, дегандай менга қилган қилганини ёш хотинига қилган экан, у участка нозирига ариза берибди. Овсинларимга: "У мени алдаб уйланди. Энди нима бўлса бўлди, яшайман. Лекин биринчи бахтимга тенг келмайди. Хотини бекорга кетмаган экан. Хотиним бузук, ушлаб олдим", деган эди. Унақага ўхшамайди", - дебди. Эрим уйланган хотиндан ҳам хафа эмасман. У устимдан юрмади. Мен билан ажрашгач, жўралари таништиришган. У ҳам биринчи рўзгоридан ажрашган, куйган аёл экан. Катта қизим бозорда дадасини учратиб қолибди. "Дадамнинг икки қўлида икки сумка нарсаси. Базўр кетаяпти. Олдинда ёш хотини. Кирсиллоқ сумкачасини елкасига осиб, олдинда кетаяпти", - деди. Мен уйланиб қолдим. Нега биз бирга яшаганда шундай бўлмади? Фақат мен ишладим. У эса менга ёрдам бермади. 17 йиллик турмушимизга нуқта қўйдик. Юлдузимиз юлдюзимизга тўғри келмадимми?..

Бир сафар қаттиқ шамоллаб 20 кун йўтал билан ётиб қолдим. Онажоним: "Хўжайин, Моҳира 20 кундан бери касал. Йўтали қолмаяпти. Дори олиб келинг", - дея бошлари балага қолди. - Болани сен касал қилгансан. Ўзинг тузат. Ўлмайди, - деб иккаламизни ҳам калтакладилар. Агар мендан: "Болалигининг энг қувончли, энг яхши дамлари қайтишини хоҳлайсанми?" деб сўрасалар, ҳеч қачон болалигим қайтишини хоҳламаслигимни айтган бўлардим. Овқатга қорним тўймай, устим бут бўлмай, руҳан эзиллиб болалигим ўтди. Лекин мактабда аълочи бўлдим. Бугун орзуим дўкончи бўлиш эди. Кўп пул топсам, яхши есам, яхши кийинсам, халқнинг олди бўлсам, деган уйда эдим. Мактабни битиргач, ўқишни орзу қилдим. Орзуим амалга ошишга отамнинг отаси катта ёрдам берди. "Ўқисин. Одам бўлсин. Пулини мен ўз зиммамга оламан. Ўзим тўлайман. Бунга ман қасил", -

Мен савдо-сотик қилиб, меҳнатим орқасидан ўзимни анча тиклаб олдим. Ишга чиқдим. Бу орада турли-туман пишириқлар пишириб сота бошладим. Эримга, қизларимга (бу орада яна 2 қиз фарзанд кўрдик), ўзимга, уйимга нарсалар олдим. Эрим энди ишламас, жўрабозликни авж олдирган эди. Ҳатто ётиб овқат еди, "Туриб ўтириб енг дадаси. Ахир, тўрт мучангиз соғку. Касал одам ўтириб овқатлансам, деб орзу қилади", - десам, "Ишинг бўлмасин мен билан. Нима десанг ҳам ётиб ейман!" - дерди. Ҳалол меҳнатим орқасидан уйни таъмирладим. Мебеллар, музлатгич, кир машина, чангютигич, гиламлар... хуллас, орзу қилган ҳамма нарсани харид қила бошладим. Ейишим, ичишим яхши-ю, аммо еганим ичимга тушмасди. Ишсиз уйда ётиб олиб, телевизор қаршисидан кетмайдиган эрим энди мени камсита бошлаганди. Агар янги бир қўйлақ тиқтириб қийсам, "Сен қўйлақ кийдинг нима-ю, 70 яшар кўшни кампир қўйлақ кийди нима?"

Лекин эрим машинани ҳам эплай олмади. Машинани сотиб марказдан уй олдим. "Хўжайин иккитагина мол қилайлик. Сиз уйда эрмакка қарайсиз", - десам. "Нимамга қиламан? Кимимга қиламан? Нарвонкашим йўқ мани. Сан ўғил туға олмайсан. Ичинг қизга тўлиб кетган. Тўртта қиз туғдсан. Тусанг яна қиз тусансан", - деб камситишга тушарди. Дардимни ичимга ютиб, ишга шўнғирдим. Ишонасизми, эрим соғ, тирик бўлиб туриб ишламади. Мен ишлаб, ер солиғи, сув, электр, газ умуман ҳамма тўловларни ўзим тўлардим. Ҳатто лой қилиб, гишт қўйиб девор урдим. Цемент қориб, пойдевор қилганман. Темир эмасман-ку, касал бўлиб қолсам қарамас, "кўҳна касал", деб калака қиларди. Бир гал ота-онам келиб: "Куёв, сиз Моҳирага ёрдам беринг, ишланг", - деб насиҳат қилишганди ота-онамни ҳақорат қилиб, ҳайдаб чиқариб юборди-да, мени роса калтаклади. Қизла-

дан олган уйимга чиқиб кетдим. Худди бизнинг бир умрга бу уйдан кетаётганимизни билгандай итимиз ҳам эргашди. Қанча хайдасак ҳам қолмади. Биз би-лан кетди. Ҳамма нарсани қолдирдим. Тинчлик бўлса бўлди. Ҳақорат эшитмасам, калтак емасам бўлди, деб ўйладим. Эрим орқамдан келди, лекин қайтмадим. Эрим биз ўтирган уйга даввогарлик қилди. Суд иккаламизга иккита уйни бўлиб берди. Яшаган уйимиз унга, янги уй менга қолди. Алимент талаб қилдим. Ундан: "Агар судга мурожаат қилса дўконча комиссия ташлатаман. Бир умр қамоқда ўтиради", - деган жавоб келди. Индамадим. Дўконимни текширмаган ташкилот қолмади. Тит-питини чиқаришди. Бунга эрим қилаётганини билардим. Чидадим. Орадан 4 ой ўтиб, ўзидан жуда ёш хотинга уйланди. Хотини ҳомилдор бўлганди хабар келди: "Ўғилчани кўз олдидан уйнатиб, олиб ўтаман.

Хозир ҳамма нарсаси етарли. Болалигимда орзу қилганимдек, қорним тўқ, устим бут, лекин баъзида гаплашадиган, сени тинглайдиган ҳасратдош керак бўлади. Шунда беихти-ер собиқ эрим кўз олдимдан ўтади. Агар ўшанда қўлни қўлга бериб ишлаганимизда эди, бирга қўша қариримизди?.. "Эр бермоқ - жон бермоқ", деганлари рост экан. Қанчалар азоб кўрмай, мен ҳам қизларимизни эрим билан бирга ёнма-ён туриб турмушга узатишни хоҳлаган эдим. Аммо бу тақдир экан. Турмуш давримда асабларим чарчад, касаллик орттирдим. Эрга меҳр бериб, меҳр кўрмадим. Мана, бошдан оёқ ўтган умримни сизларга баён этдим. Энди фикр билдириш сиз азизлардан. Фикр мулоҳазаларингизни қутиб қоламан. **МОҲИРА, Қашқадарё вилояти.**

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Ташқарида совуқ кучайган, кўчаларда ёнган оқшом чироклари нурида қалин қор кўрпаси ажиб бир жигарани кўринар, очик осмондаги чаргон юлдузлар эса гўё менга жимир-жимир қилиб, кўз қисиб сиригини биланан деярликдек туюларди. Мен совуқни ҳам сезмасдим, ҳамма нарсага меҳр билан қарардим ва йўл-йўлакай учраган одамларни тўхтатиб, қор ҳақида, ажойиб киш ҳақида, бахт ва муҳаббат ҳақида тўлиб-тошиб сўзлагим келарди. Гўё мен ўз галабасидан эсанкираб қолган ёш бола каби шодликдан телба бўлгандек эдим. Ҳазини худди ерда эмас, осмонда - ой-юлдузлар ёнида учиб юргандек ҳис қилардим.

-Қаерларда дайиди юрибсан? Илҳақ бўлиб ўлдик-ку! - Бу мен учун эшик очган Баҳодирнинг овози эди. - Қорнинг ҳам тоза очгандир. Соат ўн бир-

-Тайёрмисан? - деди уйга кира солиб. - Кетдик. Почтамларниқига борамиз. Туркистондан меҳмонлар келишган.

Кун бўйи меҳмондорчиликда қолиб кетдик. Маҳбубага берган сўзимнинг устидан чиқолмаганимдан роса қийналдим. Лекин у ердан чиқиб кетишнинг ҳам иложи йўқ эди.

Эртасига касалхонага бордим ва одатдагидек ҳамшира қизлардан Маҳбубани чақиртирдим. Лекин у негадир чиқмади. Кута - кута бир аҳволда орта қайдим. Кўнглимга чирок ёқса ёришмасди. Нега чиқмади? Нега чиққиси келмади? Ахир ҳамма айб ўзимда. Ахир кеча келаман деб, келмадим-ку! Ёлгон ваъда берган одам кимга ҳам ёқарди? Аслида меҳмондорчиликдан воз кечсам бўлар экан. Кейин беҳос ўтган кунини кўрган тушим эсимга тушди. Ростдан йиғити бормикан? Ахир шундай гўзал қизнинг севгани бўлмайми?..

Юракни кемирувчи мана шу каби минг

Қорабулоқ.

- Эшитгандайман...
- Ҳазинга у ерда бўлмаганмисиз?
- Йўқ.

- Ростини айтсам хафа бўлмайсизми? - Қизлардан хафа бўлишни ўн саккиз ёшимда ташлаб юборганман, - дея ҳазиллашдим. У кулди. Ҳама куни сиз билан гаплашиб ўтирганимизни кўшни хонада ётган тўққизда ўқийдиган қорабулоқ бола ҳам кўрган экан. Кетганингиздан кейин "У ким?" деб роса ўсмоқчилаб сўради. Кейин "Мен уни танийман" деди. "Қаердан биласан?" десам "Мен уни Ангренда кўп кўрганман. Нуқул хиёбонда бир қиз билан доим етаклашиб юради", деди. Мен сизни тошкентлик десам ҳам у сўзида туриб олиб, мени енгди. Мен аслида унга қўринадан ҳам уялиб, хонадан чиқмадим. Кеча мени чақиршни ҳамшира ҳам унга айтган экан... - Кеча ўшанга...

ти иссиқ эди. Ундан ўтган ҳарорат бутун вужудимга ёйилди. Маҳбубанинг қўлини сира ҳам қўйиб юборгим келмасди. Узоқ ушлаб турдим. У ҳам қўлини тортиб олмади. Гапсиз, сўзсиз, унга тикилганча... Охири у қўлини тортиб олди ва секин:

Одамлар қараяпти, борақолинг! - деди ён атрофимизда ҳеч ким бўлмаса-да.

Шундай қилиб, менинг тинчгина - орзулардан чарчаган ҳаётимга Маҳбуба кириб улгурганди. У билан бирга мен узоқ кутган ва ҳақиқатга айланишни қўйин кечган ҳаёлотимга ёруғ нур кириб келган эди.

У билан яна қўришдим. Мана, ҳозир ҳам тўри унинг олтидан келган бўлсам-да, яна кўргим келар, мусаффо осмондаги юлдузлар мисол чакноқ ва сал маънос шашло кўларига, уялганда полдадек қизариб кетадиган юзларига термулганча у билан тўйиб-тўйиб суҳбат-

БИР СЕВГИ ҚИССАСИ

дан ошди.

Унинг гапларига тузукроқ жавоб бермадим ҳам. Фақат у қизчасини ухлатгани кириб кетган Ҳаммадан чарчаб ухлаб қолганини айтиб, ўзи овқат келтиргани эсимда.

- Мунча ширин овқатинг?

- Кайфинг борми? - Баҳодир менига астойдил тикилди. - Совуқдан юзларинг, бурнинг қизариб кетибди. Гапларимга жавоб қилмайсан?

- Нима? - дедим унинг гапларини эшитсам ҳам тушунмай.

- Оббо, хаёлпараст жинни-ей! Ҳалиям хаёлпарастлигинг қолмабди-да. Бу хаёл сурганда маст нима-ю, жинни нима, гаплашиб ҳам бўлмайди...

Ҳама оқшом ҳам қозғоларга қўл урмадим. Хаёлим бугунги учрашув завқу шавқиде эди. Маҳбубанинг гул-гул очилиб кулиб турган чеҳрасини эсларканман, вужудимни аллақандай кўтаринки бир кайфият эгаллайди. Ахир шунга, мана шундай гўзалликка хаёлан интилиб яшамаганимдан, бир кунмас - бир кун Маҳбубадек соҳибжамол қизни учратишни орзу қилмаганимдими?..

Тушимда ҳам уни кўрдим. Яна талаба эмишман. Ётоқхонамиз олдида бир тўп ёшлар йиғилиб, ўйин-кулги қилаётганмиш. Мен ҳам шовқинни эшитиб ташқарига югуриб чиқдим. Даврада қўларига, биллақарига, бўйинга ҳар хил тилла тақинчоқлар таққан, калта атлас қўйлагу жиякли лозим кийган қиз ўртада минг мақомда нозлиб ўйнар, бир барваста, мўйлабли йиғит бўлса, калласини у ён-бу ёнга силкитганча берилиб тор чертиб ашула айтарди. Бундоқ қарасам, ўйнаётган қиз - Маҳбуба эди. Югуриб бориб унинг қўлидан ушлаб ўйиндан тўхтатдим.

- Нега бу ерда ўйнаясиз? Ахир бу ер кўча-ку! Анави тор чертаётган ким?

- Кўча. Ҳе-ҳе, кўчамис... Бу менинг ишим. - деди у гўё менинг устимдан кулаётгандек. - Қўшиқчи эса - йиғитим.

...Чўчиб ўйғониб кетдим, ҳамма ёғим жиққа қора терга ботган. Тушимнинг барча тафсилотлари аниқ-тиник эсимда қолганди. Тушларим сира бунақа раван эсда қолмасди. Аммо кўрган тушимдан таъбим хиралашди. Балки ростдан ҳам йиғити бордир? Кўнглимга юракни кемирувчи гумон оралади. Турганимда соат ўн бирдан ошганди. Стол устида Баҳодир қолдирган хатни ўқидим. "Ун иккиларга келаман, ҳеч қаерга кетиб қолмагин. Бир жойга борамиз!"

Мен Маҳбубага берган ваъдамни эсладим. Апил-тапил чой ичдим-да, кейин касалхонага кўнғироқ қилиб, Маҳбубадан бир оғиз аҳвол сўраб, боролмаслигини айтиб қўймоқчи бўлдим, лекин телефон рақамини билмаслигим эсимга тушиб, ҳафсалам пир бўлди. Билганимда ҳам барибир ноқулай, ҳали тушлик бўлмай докторлардан касални чақиртириш... яна қиз болани... Баҳодир айтилган вақтда келди.



хил ўйлар гирдобиде қай аҳволда Баҳодирларниқига қайтиб келганимни билмайман...

Кейинги кун Баҳодир ва Ҳаммадан ишга жўнаши билан мен ҳам ортиқ сабр қосам чидамай касалхонага йўл олдим.

Ҳайриятки, Маҳбуба чиқиб келди. Аммо унинг кайфияти йўқ эди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, ўша хилват бурчакка бориб стулларга ўтирдик. Нима деб ўзимни оқлашимни ҳам, нима деб гап бошлашгани ҳам билмайман. Орага қандайдир ноқулай сукунат тушди. У бир-икки менга қараб қўйди-ю, лекин мендан бурун гап бошламади.

- У куни келолмадим, уэр, - дедим ниҳоят айбимни тан олиб. - Мени энди ростдан ёлгончиға чиқариб қўйгансиздир? - Энди умуман келмасангиз керак дедим... - Нега?!

- Қайдам, ўзим шундай, - у дардчил гапирди. - Кеча куни бўйи хонадан чиқмай ўтирдим. Ҳама куни сиз билан кўп гаплашиб юборибмиз. Йўлакка чиқсам ҳамма менга қараётгандек... Бу ерда бириккита бизнинг маҳаллалик аёллар ҳам бор, ўшалардан тоза уялдим...

- Ҳама баъзан шунақа туюлади. Бошқалар худди сен тўғригиде гапирётгандек, сени ҳаммага кўрсатаётгандек бўлаверди. Кўлап бунга аҳамият берманг. Ҳаммада ҳам бўлади бундай ҳол.

- Айтмоқчи, - у сўзимни бўлди. Кейин биров ўйга чўмди, салгина қизарди, сўнг дераза томонга имлади. - Қаран! Қарадим. Очик ҳавада шаҳарнинг шимолий - шарқ томонида тоғлар оппоқ қорга ўранганча виқор билан бўй чўзиб турарди.

- Қандай гўзал манзара—қорли тоғлар... - Уларни айтмасангиз, - деди у, сўнг қўли билан кўрсатди.

- Анави тўрт қаватли уйларни кўраясизми? Ҳаммаданнинг ортида бир-икки чақирим нарида бир қишлоқ бор. Номи

- Қўйинг, эслатманг! - у гапимни бўлди.

- Ахир мен не ўйларга бордим...

- Мен-чи... ўша кун...

- Кечиринг! Майли, ўтган ишга саласот, ҳисоб тенгласди. Аввало айб ўзимда...

- Кечирим сўрашга ҳам уста экансиз.

- Сизнинг ёшингизда одам ҳамма нарсага ишонди. Ҳама бола айтгандақаларга ўхшайманми? - унга ўпкалаганнамо тикилдим.

- Ҳамага сўрашга ҳам уста экансиз.

- У бола-чи?

- Қайдам. Балки у ўхшаш чиқар, - унинг қўларидан, юзларидан жилмайиш ўрмалаб ўтди. Бу онийлик кулги ўқ овозидан чўчиб учиб кетган бир тўда қушлардек зумда орага тушган гўборни тарқатиб юборди.

- Келганимга бугун қирқ кун бўлди, - деди у бир маҳал яна маҳзун тортиб. - Касалхонаси ҳам жонимга тегиб кетди. Зериқдим.

- Қаерингиз оғрийдир?

- Грижамиш. Қўриқачни олдириганимдан кейин ўрнида қандайдир ўсма қолибди. Шунини даволашяпти...

Бундай хасталиклар ҳақида ҳеч нарса билмасдим.

- Яхши бўлиб кетасиз, - дедим хайрлашаётиб. - Мен яқинда кетсам керак. Албатта, хайрлашгани келаман. Манзилгини ёзиб берарсиз-а, ўшанда?

- Қўрамай, - деди у чиройи очилиб. - Нега бунақа мужмал жавоб қиласиз?

- Ҳамма нарсани олдин ўйлаб кўриш керак...

- Йўғ-е. Ҳамма нарсани ақл бошқарса, ҳаётнинг унчалик қизиги қолмайди, баъзан кўнғилга ҳам қараш керак, - дея ҳазил аралаш билангиллик қилдим. - Ахир ўйи ўйига етгунча... деган гаплар ҳам бор.

У бу гапимга эътироз билдирмади. "Барибир ёмон бола экансиз" деди-да, кейин "Хайр!" дея бошини хиёл бир ёнга эрга, заиф жилмайганча биринчи марта менга қўлини узатди. Унинг каф-

лашгим келарди. Ёзмоқчи бўлган ва ишлашга муҳтож чала-чўлга ёзганларим уни кўриш, ўйлаш истаги олдида ҳеч вақога айланганди. Ёзуларимга қарамай қўйдим. Ишим ва бошқа иқир-чиқир ташвишлар ўрнини ҳам фақат Маҳбуба ҳақидаги хаёллар қамраб олганди. У яқинда ўн саккизга киради. Уни ёқтириб қолдим. Бу гулғунчадек маъсума қиз кўнглидаги ишонччи мендек ҳаётда бирор нарсага эриша олмаган хаёлпараст бир йиғит оқлай олармикан? Менинг ёлғизликка кўника бошлаган ўй-хаёлларим билан бу навниҳол, покча қалбнинг жўшқин туйғулари жангилга ҳамоҳанг келармикан?..

Унинг қўлини ушлаганимда бутун баданимга ёйилган илиқлик нима эди? Телба эҳтирос оташини ёки чин муҳаббат сеҳри... Борлигини мана шунга ўхшаш китобий гаплар қўлаб олганди.

Эртасига Баҳодир мени кузатиб қўяман деди. Кўнмадим. Кўчага чиқганимизда у қаршиликимга қарамай чўнтагимга анчагина пул солиб қўйди. Ёлғиз қолгач, тўғри касалхонага йўл олдим. Боргач, Маҳбубани чақиртириб, ўша илк бор кўришган жойимиз йўлак охиридаги пиллапоё ёнида кута бошладим. Юрагим ҳаяжондан дук-дук урарди.

- Салом! Келинг! Ушамисиз? - деди у мени кўриб. Мен нимагадир шу топда шундоқ сўрашни камлик қилаётгандек беихтиёр қўл узатдим. У ҳам шаштинини қайтармай қўл чўзди. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Кейин у: - Китоб ўқиб ётгандим, - деди паршонхотир.

- Қанақа китоб?

- Эртак. Ўзбек халқ эртаклари. Болалигимдан яхши кўраман эртакларни.

- Наҳотки, ҳалиям-а? - мен ҳазиллашиб кулдим.

- Кулманг! - у жиддий эди. - Ёмонми? Бунинг нимаси ёмон?! Менга барча эртаклар ёқди, ҳаммаси рост дек туюлади. Болалардек ўйлаганимдан кулманг! Ахир эртакларнинг охири ҳаммаша яхшилик билан тугайди-да. Шунчакамасми? Шундай бўлгани яхши эмасми! Ҳаётда эса... бошқача... - у маҳзун гапирарди. Мен бунга парво қилмай яна ҳазиллашдим.

Қачонгача эртак ўқийсиз? Ўн саккизга киргунчамми? - дея яна ҳазиллашдим. Гапим жавобсиз қолди. Уни хафа қилиб қўйдимми деб чўчиб тушдим. Шу пайт Маҳбуба "вой, ўлай" деди-ю чўгдай қизариб кетди. Зинадан қўлида тугун, узун қўшиш пальто кийган, айни унга ўхшаш чиройликкина бир қиз чиқиб келаётганди. Бундоқ қарасам, Маҳбуба зумда гўйиб бўлибди. Боғи қиз аввалига менга галати қаради-ю, кейин саломлашиб ёнимдан ўтди ва йўдақдан юриб Маҳбубанинг хонасига кириб кетди. Мен кетишимни ҳам, туришимни ҳам билмасдим. Ярим соатлар чамаси вақт ўтгач, улар биргалашиб хонадан чиқиди.

(Давоми бора)
Аҳмад ДАМИН

НЕЧА ЁШДАЛИГИГА ҚАРАБ...



нинг, уйдаги дастурхони атрофида ўтиришнинг қадрига ета бошлайди. Жинсий ҳаётга муносабати ҳам ўзгаради, энди у рамзийликдан кўра жуфти-ҳалоло эътиборини қозониш маъносини касб этадиган жараёнга айланади.

Бу ёшда эркак кишига ширин таомлар пишириб бераверинг, атрофида "ғирди-капалак" бўлинг, хушомад қилинг. Шунда уни қўлдан чиқариб юбормайси.

31-40 ёш. Бу ўн йилликни эркак ҳаётидаги энг яхши давр деб аташ мумкин. Ҳаётини тажриба, куч, соғлиқ бор ва асосийси у нима хоҳлаётганлигини ўзи билади ва нималар қила олишини тахминан тасаввур этади. Уй унинг учун энг муҳими. У доим кечқурун уйга қайтишга шошилаётган бўлади. Лекин афсуски, айнан шу ёшда эркаклар "чап томонга оғиб кетиш"га мойилроқ бўладилар. Айниқса бу ўз тенгдошига уйланган йигитларда кўпроқ кузатилганлигини тасдиқловчи тадқиқотлар ҳам ўтказилган. Жинсий ҳаётга бўлган нуқтаи назари ҳам яна ўзгаради. Ўз жуфти-ҳалолани устун қўйса-да, четдан "овунчок" қидиришга "иштиёк" пайдо бўлади. У мен барибир рафиқамни яхши кўраман, "анови қиз (ёки) аёл шунчаки-да" деган ўй билан ўзини овутиши мумкин. Одатда бунда ҳали оила бузилишга таҳдид йўқ.

Кўп рухшунослар бу ёшдаги эркакларнинг рафиқаларига эрлари хиёнатини назарга илмасликни маслаҳат беришаркан. Ҳаммаси ўтиб кетади, от айланиб қозигани топади, дейишса керак-да...

41-45 ёш. "Олтин ўн йиллик" ортидан ўрта ёш инқирози келади. Албатта 41-45 ёш анча шартли рақамлар. Кимддир кризис 30 ёшда, бошқа бировда 60 ёшда бўлиши, баъзи эркакларда эса умуман бўлмаслиги ҳам мумкин. Лекин айнан 40 ёшдан ўтгандан кейин аксарият эркаклар баъзи яқуний натижаларни ҳисоблаб бошлайди ва аксарияти ўзини қониқтирадиган хулосага келмайди. Қарасаки, у ҳисобчи, врач, учувчи, ҳарбий хизматчи бўлибди. Лекин ахир у болалигида актёр бўлмоқчи эди-ку. Энди эса ҳеч қачон бўла олмайди. Ёки айтийлик ҳалигача бирор касбни эгалламапти-я. Ана шунда эркак кишининг орта чекмини-

ли бошланади. У ҳаётидаги бирор нарсани ўзгартиришга ҳаракат қилиб қолиши мумкин. Баъзиларда қаттиқ руҳий сиқилиш ва ҳатто ичкилик-бозликка берилиб кетиш ҳам бошланади. Бу деярли ҳар бир ҳолатда ўз турмуш ўртоғидан совиш, жинсий ҳаётга қизиқиш йўқлиши билан бирга рўй беради.

Турмуш ўртоғи бу ёшга етган аёллар яхшиси эридан гина-қудурат қилишни бир четга йиғиштириб қўйганлари маъқул. Бундай инқироздан ўтиб олишда унга ёрдам беришга киришиш керак. Айнан эркак ҳаётдаги мана шу даврда оила бузилиб кетиши эҳтимоли кўпроқдир. Бунини махсус тадқиқот ўтказган рухшунослар кўп таъкидлашади.

46-55 ёш. Қувонаверинг аёллар. Эркак ҳаётидаги никроз даври ўтиб бўлди. Эркак ҳаётидаги бу ўн йилликни унинг иккинчи бор "гуллаш" даври дейиш мумкин. Соғлиқ ҳали жойида, маълум ижтимоий мақом ҳам бор. Лекин шу ерда ҳам бир "ишқал" чиқмаса эди. Бу кўпроқ қилиб айтганда "эркаклар климакси"дир. Организмда тестостерон ишлаб чиқариш камаяди, гормонал вазият ўзгаради. Баъзи аёллар эрларини ҳазиллашиб бўлса-да, чол деб атай бошлайдилар ва мана шу ерда катта хатога йўл қўядилар. Чунки эркак киши 18 ёшда эмаслигини, ҳатто 30 ёшда ҳам эмаслигини, борингки, 40 ёш ҳам ортда қолганлигини тушунади ва бу унга албатта алам қилади. Аёллар эсда тутсинки, ҳалиям уни шайтон йўлдан оздириши ҳеч гап эмас.

Мутахассислар аёлларга ҳушёрликни йўқотмасликни тавсия қиладилар. Унинг рашкини келтириб қўйинг. Ҳеч қачон бу ёшдаги эркак кишини қария деб, унинг устидан кула кўрманг. Бу ёшдаги эркаклар болага ўхшаб бораверади. Тушундингиз, шекилли...

56-65 ёш. Фалати-ю, лекин бор гап: айнан шу ёшда эркаклар янги дўстлар, янги ишқибозлик (хобби) орттиради, аёлига ҳам янгича назар билан қарайди. Айтишларича, бу ёшдаги эркаклар ўзлари учун турмушнинг янги қирраларини кашф қила бошларкан. Айнан шу ёшга



ЭРКАК ВА АЁЛЛАРНИНГ АСРОРЛАРИ

келиб эркак киши энди "ўзи учун" (болалар улғайган, уй, хотин, томорқа, иш деган схема жуда зерикарли туолади) яшай бошлайди. Бўлмасам-чи: тажриба бор, куч ҳам етарли, соғлиқ ҳам унчаллик ўламан дейдиган ҳолатда эмас. Бу пайтда, айтишларича, жинсий ҳаёт ҳам муҳими эмас, маънавий яқинлик, мулоқот, ўзаро тушуниш биринчи ўринга чиқади.

Эрингизнинг ишқибозликлари ва қизиқишларини ёқлаб турганингиз маъқул. Ҳеч қачон унга "қариганингизда нима балолар билан шугулланиб юрибсиз" қабилида гапирга кўрманг. Боя айтиб ўтдик-ку, у энди боладек бўлиб қолган. Ўқитиб қўясиз-а...

65 дан нариси. Бир қарасангиз, ҳамма нарса кўнгилдагидек. Қайсидир эр нафақага чиққан, бошқаси "ишга бориб-келиб юрибди". Ҳаёт ўз ўрнида давом этапти. Шундай бўлса-да, бу даврда ҳам баъзи "лекин"лар учраб қоларкан. Баъзан эркак киши, таъбир жоиз бўлса, ўз ички оламга "ўралашиб" қолади, яъни бир баҳона топиб оиласидан узоқлашади, масалан кун бўйи бир ўзи дала ҳовлида ёки боғда "тимирскаланиб" юраверади, беш-олтита қўйи борлари, молларни ҳайдаб кечгача "улоқиб" юриши мумкин. Хотини билан мулоқотга ҳам киришмай қўяди. Шу ёшга етган бир кишининг айтишича, у кун бўйи хотини билан бор-йўғи уч-тўрт оғиз гаплашаркан, холос. Ёки янада нохушроғи, эркак киши қаришни истамай, оиласини ташлаб ёшроғига уйланиб олиши ҳам мумкин экан.

Рухшунослар бу ёшдаги эркак "ўз ички оламга ўралашиб" қолишининг олдини олиш мумкин дейишади. Бунда аёл ва эркакнинг умумий қизиқишлари ёрдам бераркан. Бундай қизиқишлар жумласига дала ҳовлида бирга ишлаш, айниқса неваралар билан бирга ўйнаш, сайр қилишни киритиш мумкин. Бунда асосийси сиз жуфти ҳалолнингиз ёнидасиз. Бу эса, сиз эътибор бермаган бўлсангиз-да, жуда катта гап.

Норсафар ИМОМОВ тайёрлади

Эркаклар ўз умрларининг маълум даврларида ҳаётга турлича қарайдилар, уларда турли ёшда ҳаётга нисбатан ҳар хил дунёқараш пайдо бўлади. Шу боис оиладаги баъзи низоларнинг олдини олиш мақсадида аёлларимиз ўз жуфтлари учун айтилик 20 ёшда нима муҳим-у, 50 ёшда нима муҳимроқ эканлигини билб қўйсалар фойдали бўларди.

22-25 ёш. Бу пайтда йигитларнинг аксарияти институтни битирган, балки армияга бориб келган бўлади. Лекин бу ёшдаги йигит ҳали "ўзи"ни излаётган бўлади, ҳаётда ўз ўрнини топишга интилади, "ўз орузида"ги қизни қидиришда давом этади ва албатта баъзан кўнгилхушлиқлар қидираётган бўлиши мумкин. Уйдаги саранжомлик ва ширин овқатлар билан йигит кишининг кўнглини бутунлай ром этиб ололмайси. Бу ёшда у буларнинг ҳаммасини тўри баҳолай олмаслиги мумкин. Бирор ғайриоддий кеча, қутилмаган сайр, клуб-плубга бориш эса бошқа гап. Шундай қилсангиз энди у сизга бошқача қарай бошлайди. Албатта жинсий ҳаётнинг ҳам ўз ўрни бор. Лекин бу ёшда аксарият йигитлар жинсий ҳаётга рамзий маъно беришади.

Бу ёшда йигит кишини ўзингизга бутунлай ром этиб олишининг энг мақбул варианты иложи борича унинг қизиқишлари ва "қўнгли кўчаси"га қараб иш тутишдир...

26-30 ёш. Бу ёшда одатда эркак кишининг ҳамма нарсаси – иши, уйи, оиласи ва "бир талай режалари" ва бу режаларни амалга оширишга куч-қуввати ҳам бўлади. Бу ёшда ҳаётга ҳушёр қараш шаклланган бўлади. Айнан шу даврда эркак киши тинч оилавий ҳаёт-

ОИЛА ВА МОЛИЯ

Кундалик ҳаётимизни пулсиз, турли харид ва тўловларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айрим ҳолларда айнан пул, уни топиш ва ишлатиш билан боғлиқ келишмовчиликлар оилавий ҳаётга пугур етказиши мумкин. Мазкур тест сизга молиявий масалаларда бир-бирингизга қанчалик мос келишингизни аниқлашда ёрдам беради.

- 1. Эр-хотин пул масаласида тортишиб, жанжаллашиб турасизларми?**
 А) Камдан кам ҳолларда;
 Б) Маош олган пайтларимизда;
 В) Доим шу борада жанжаллашамиз.
- 2. Эр-хотин дўконга борганда қандай йўл тутасизлар?**
 А) Рўйхат бўйича керакли нарсаларни харид қилиб уйга қайтамыз;
 Б) Ҳар сафар бир дунё кераксиз нарсалар ҳам олинади;
 В) Биримиз энг арзон нарса-

- ларни танласак, иккинчимиз энг мазали нарсаларни танлаймиз.
- 3. Кундалик харажатлар ва харидларни қандай тақсимлайсизлар?**
 А) Ким нимага пул тўлаши ёки олиб келишини аниқ-тиниқ бўлиб олганмиз;
 Б) Ҳеч қандай тақсимот йўқ. Масалан, қай биримиз уйда нон қолмаганини билсак, даров олиб келаверамиз;
 В) Кундалик харажатлар-у, харидлар аёлининг зиммасида. Чунки бизнинг оилада бундай

- юмушлар эркакнинг иши эмас, деб ҳисобланади.
- 4. Анчадан бери коммунал тўловларни тўламаганингиз маълум бўлиб қолди. Сизнинг хатти-ҳаракатингиз?**
 А) Сизнинг оилангизда бунақаси ҳеч қачон бўлмаган. Доим барча тўловларни ўз вақтида амалга оширишга ўргангансиз;
 Б) Бир-бирингизга эртага албатта тўлаб қўйишни ваъда берасизлар-у, лекин яна эсларингиздан чиқиб кетади;
 В) Бу пулларни ким тўлаши керак эди-ю, шунга ажратилган маблағ нимага ишлатилгани борасида тортишиб қоласизлар.
- 5. Пул ва харажатлар ҳақида гап очилса, нима қиласиз?**
 А) Бажону дил бўлгуси харидлар ва харажатлар масаласини муҳокама этасизлар;
 Б) Бирингизнинг кўзда тутил-

маган харажатингиз иккинчигизни шошириб қўяди;
 В) Бу борада имкон қадар камроқ гаплашишга ҳаракат қиласизлар.

ТЕСТ аниқ мақсад ва режа асосида иш юритишнинг ўрганишларингиз керак. Энг маъқули, бир ҳафталик харажатларингизни олдиндан режалаштириб, ҳисоб-китоб қилиб олишга одатланинг. Шунда аста-секин ҳаммаси изга тушиб кетади.

"А" жавоб кўпроқ. Молиявий масалаларда бир-бирларингизга тўла мос келар экансизлар. Энг муҳим ва оғир масалада келишув бўлган оилада бошқа масалалар ҳам осонгина хал этилади. Молиячилар ва психологлар бундай оилаларда оилавий бюджетни кўпайтириб бориш имконияти мавжудлигини таъкидлашади. Чунки эр-хотин барча харажатларни бамаслаҳат, қатъий ҳисоб-китоб билан амалга оширадилар, ортиқча чиқимларга йўл қўйишмайди.

"В" жавоб кўпроқ. Пул борасида бир-бирларингизни умуман тушунмайсизлар. Бирингиз пулни режали сарфлаш, уйда доим қутилмаган ҳолатлар учун мўлжалланган маблағ бўлиши шарт, деб ҳисоблайсиз. Иккинчигиз эса кўп пул топиш учун кўпроқ сарфлаш лозим, деган ақидага амал қиласиз. Бир тўхтама қелиш учун маошларингиздан уй-рўзгор учун зарур харажат ва харидларга мўлжалланган умумий бюджетни шакллантириб, қолган қисмини хар ким ўз истағича ишлатишга одатланишларингиз мумкин.

"Б" жавоб кўпроқ. Сизлар ҳар доим ҳам ягона тўхтама келавермайсизлар. Яхшиси, айрим ортиқча харажатларда ёки молиявий етишмовчиликларда бир-бирингизни айблагандан кўра,

ДАРМОН тайёрлади



СИРКАЛИ

Ташқи кўринишимизнинг кўркамлиги истеъмол қилаётган озиқ-овқатимизга боғлиқ эканлигини биламизми? Сал семирсақ дарҳол парҳез қилишга киришамиз. Ҳар доим парҳез қилиш шартмикан? Маълум бўлишича парҳезсиз ҳам озса бўлар экан. Парҳезсиз озишни истаганлар олма сиркасининг ҳосиятларини билиб олишса, бас.

ЁғНИ ЙЎКОТАДИ...
Парҳезшунослар фойдали ва зарарли маҳсулотларни санаб ўтарканлар: «Озиш учун оч қолиш шарт эмас, фақат тўғри овқатлана билиш кифоя», - дея кўп таъкидлашади. Озиш учун ҳаракат қилаётганлар ортиқча вазни йўқотиш қанчалик қийин эканлигини яхши билишади. Инсон истеъмол қилаётган овқати миқдорини камайтирса озгани дарҳол сезилади. Парҳезнинг биринчи ҳафтасида инсон танаси тўқималаридаги сув миқдори (ёғ эмас) тез ва осон камайди. Бироқ қувонишга ҳали эрта.

Бундан кейинги 2-3 ҳафталик қатъий парҳез даврида ҳам вазн ўзгармайди. Бунинг сабаби шуки тана камайтирилган озиқ-овқатга кўника бошлайди. Овқат пайтида 1чой қошиқ олма сиркаси қўшилган 1 стакан сув ичган киши кам овқат еса ҳам тез тўйгандек бўлади. Агар олма сиркаси қўшилган сув овқат пайтида мунтазам истеъмол қилиб борилса, ортиқча вазн ҳам тез йўқола боради.

Чиндан ҳам олма сиркасида ёғни эритадиган ажойиб хусусиятлар бор. Шунингдек бу сирка тана учун анча хавфсиз ва арзон. Лекин олма сиркаси диванга ётиб олиб ширинликхўрлик билан шуғулланувчилар учун фойда бермайди. Ақсинча, у ширинлик ейишга мойил бўлганларнинг иштаҳасини йўқотади.

СИРКАНИНГ ТАРИХИ
Қадимги вақтларда сиркани анжирдан, узумдан, олма ва арпадан тайёрлашган ва уни шифобахш хусусиятлари учун ниҳоятда қадрлашган. Уша давр олимларнинг кўлемлари-

да сирка билан заҳарли илон ва чаёнларнинг қақшини ҳам даволашганлари ҳақида ёзилган. Шунингдек, оғриган аъзоларга сирка билан компресс қилинган. Қадимги Миср табиблари ўзлари билан албатта сирка олиб юришган. Сирка билан яраларни ювиб, бошдаги яраларга суришган. Рим аскарлари ҳарбий юришлар пайтида сиркани

ТЎҒРИ ТАНЛАБ ОЛИНГ!
Агар сиз корхонада ишлаб чиқарилган олма сиркасида олиб ишлатмоқчи бўлсангиз, унда дисциплланмаган сиркадан олганингиз маъкул. Бундай сирка ўзининг табиий лойқаси билан ажралиб туради. Кўп корхоналар тайёрланаётган сиркани тиндириб, тиниқ ҳолида сотувга чиқаришади. Бу жараёнда эса барча витаминлар, маъданлар ва микроэлементлар миқдори камайиб кетади. Демак, сирка қанчалик тиниқ бўлса, шунча фойдаси кам бўлади.

сувга аралаштириб ичиб олишган. Бу аралашма ташналикни қондириб, турли юкумли касалликлардан асраган. Унинг танадаги ёғни эритишдек хусусияти уша пайтлардаёқ маълум бўлган.

ОЛМА СИРКАСИНING СИРИ...
Олма сиркаси турли даврларда ва турли халқларда қадрланган. Бунинг сабаби шуки унинг таркибида кўплаб ноёб моддалар мавжуд. Чунки олмадаги фойдали моддалар олма сиркаси таркибига ўтади. Олманинг қанчали фойдали эканлигини яхши биласиз. 100 грамм олма таркибида 140 грамм калий, табиий усулда тайёрланган 100 мл. олма сиркаси таркибида айнан шунча калий моддаси бор экан. Олма сиркаси 20 хилдан зиёд муҳим минерал моддалар, сирка, сут ва лимон кислотаси, қатор ферментлар ва аминокислоталарга бойдир.

ПАРҲЕЗ...

Овқат ҳазм қилиш жараёни яхшилайдиган пектин моддаси танадаги холестерин миқдорини камайтиради. Айниқса бета-каротин моддаси олма сиркасида жуда кўп бўлиб, у энг кучли антиоксидантлардан бири ҳисобланади. Тиббиётчи олимларнинг кўп йиллик тадқиқотларига қараганда олма сиркаси инсонга ёрдам беради, даволайди, соғломлаштиради.

ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК?

Олма сиркасининг фойдаси бекиёс эканлиги рост. Лекин уни палапартиш истеъмол қилиш ҳам зарарли. Бу антика сууюклик танангизга фойда келтиришини истансангиз уни ичиш тартибини ҳам билиб олишингиз керак. Бунинг учун 1 стакан қайнатилган совуқ сувга 2 чой қошиқ олма сиркаси қўшинг. Кунига уч стакандан, нонушта, тушлик ва кечки овқат олдидан ичишингиз керак. Баъзилар учун муолажа муддати бир ой, баъзилар учун эса танаффуссиз ичиш тавсия этилади. Яхшиси олма сиркасини ачиган сут билан ичган маъкул. Бунинг учун 1 стакан ачиган сутга 4 чой қошиқ олма сиркаси ва 1 чой қошиқ асал қўшилади.

Сиркани чой ва шўрвага ҳам қўшиб ичиш мумкин. Ана шунда олма сиркаси танада модда алмашиниш жараёни яхшилаб, турли хилтларни чиқариб ташлайди. Озиш жараёни тезлаштириш учун эса олма сиркаси билан қорин ва бўксани уқалаш керак бўлади. Бундай уқалаш давомида тери силлиқ ва майин бўлиб қолади. - Бироқ даво экан, - деб олма сиркасини меъридан ортиқ истеъмол қилиш ҳам яра-

майди. У ошқозон яраси келиб чиқишига, ошқозон шарбати кислотаси кўпайиб кетишига сабаб бўлади. Олма сиркаси билан даволашишга қарор қилган экансиз, унда аввало шифокор билан маслаҳатлашинг.

ОЛМА БИЛАН...

Олма тенгсиз парҳез воситаси ҳисобланади. Чунки олма таркибида турли витаминлар, микроэлементлар ва овқат ҳазм қилишни яхшилайдиган пектин моддаси бор. Бироқ бу ажойиб мева билан парҳез қилишдан аввал унинг ўзига хос қоидаларини билиб олиш зарар қилмайди. Ошқозони касал ва кистоталилиги ошган, сийдик чиқариш йўлларида хасталиги бор кишиларга нордон олма ейиш тавсия этилмайди. Аммо, бундай касаллиги бор кишилар олмани духов-



ма гап шундаки олма иштаҳани кўзғаб юборади. Шунинг учун уни бирорта бошқа маҳсулот, масалан кефир билан қўшиб истеъмол қилиш тавсия этилади. Кефирни кунига бир литргача ичиш мумкин. Муҳими кефир ва олма ҳар 1 соатда истеъмол қилиниши керак. Олма билан тўғри келадиган яна бир маҳсулот асалдир. Асалдан кун бўйи 3 чой қошиқдан эрталаб, тушда ва кечки овқат пайтида ейиш

МАШАҚҚАТЛИ УЧ КУН

Парҳезнинг мана бу тури уч кунга мўлжалланган. Биринчи кунни ейладиган маҳсулотлар орасида оқсиллар кўп бўлиши керак. Демак, кун давомида балиқ, гўшт ёки тухум сариги ейиш мумкин. Бироқ, бу маҳсулотларни олма билан қўшиб еб бўлмайди. Агар гўштни танлансангиз, унинг миқдори кунига 100 граммни ташкил этиши керак. Товуқ гўшти ҳам шу миқдорда бўлиши шарт. Тухумга келсак битта тухум сариги кифоя. Оқсилли маҳсулотларни яхшии тушлик пайтида еган маъкул. Унгача эса 1 стакан кефир ичилади. Қолган пайтларда эса истаганча олма ейиш мумкин. Сув эса кунига 2-2,5 литргача ичилади.

мумкин. Бундай овқатлиниш пайтида ҳам кунига 2 литр сууюклик ичиш давом этади.

Британиялик тиш шифокорлари кўп йиллик тадқиқотлари натижасида шундай фикрга келишди: олма таркибидаги кислота ва қанд тиш емирилишининг (кариес) тезлашишига сабаб бўлар экан. Агар олма егандан сўнг ўтган ярим соат ичида тиш ювилмас олма таркибидаги кислота тишнинг эмал қаватини юмшатиб юборар экан. Шу боис олмани овқатлиниб бўлгач эмас, балки овқатдан олдин ёки овқат орасида ейиш тавсия этилади. Ёки олма егач ортидан бир бўлак пишлоқ еб юбориш мумкин.

БАКАЛОҚЛАР УЧУН...

Бу парҳезни узоқ вақт давом эттириш шарт эмас. Муҳими, кўпроқ сув, гиёҳли ёки кўк чой ичилади. Бу парҳез куйидагича:
Нонушта. Киргичдан чиқарилган олма 1 стакан йогурт ва 1 ош.қошиқ сули ёрмаси билан аралаштириб ейилади.

Иккинчи нонушта. Олма (кўк-яшил, лекин нордон бўлмаган олма) ейилади.

Тушлик. 2 дона олмани майда бўлақларга бўлинг, салат барглари билан аралаштириб, устига 1 стакан йогурт, 1 чой қошиқдан ўсимлик ёғи, олма сиркаси ва сув қўшинг. Устига кўкатлар сеппиб ейиш мумкин.

Кечки овқат. Олмани майдалаб кесиб, устига лимон шарбатида куйинг ва 150 грамм ёғсиз пишлоқ билан енг.

Мабодо бу парҳезни охиригача бажара олмаслигингизга кўзингиз етса, унда пишрилган олма ва енгил салатлар ҳам истеъмол қилишингиз мумкин.

ДИЛБАР ВА БАСИРА тийёрлашди.

ҲАФТАЛИ ПАРҲЕЗ...

Олмали парҳез узоғи билан бир ҳафтагача давом этади. Бу вақтда юқорида айтилган уч кунлик қатъий режимга риоя қилинади. Фақат оқсилли маҳсулотлар икки маҳал — эрталаб ва тушликда ейилади. Шунингдек, бу парҳезга хом сабзавотлар ҳам қўшилади. Яъни, кунига икки дона сабзи ёки 1 стакан сабзи шарбати истеъмол қилинади. Бир дона помидор ҳам ейиш мумкин. Олмадан эса истаганча ейиш тавсия этилади.

АСАЛ ЁКИ КЕФИР ҚЎШИБ...

Олмали парҳезни ҳафтада бир-икки марта бажариш мумкин. Ушбу парҳезда бир кунда 1,5 кило олма еб, газланмаган сув ва қуюқ кўк чой ичилади. Кунига 2 литргача сууюклик ичилади. Очиги олмали парҳезни бажариш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. Ҳам-



514 Ёшим 39 да. Асли тошкентликман. Ажрашганман. Ўзимнинг уй-жойим бор. Моддий томондан таъминланганман. Ишлайман. 30 ёшгача бўлган, асли тошкентлик, ораста, хушфел ва рўзгоримни гуллата оладиган қизга уйланиб, бахтли оила қурмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Бобурбек

515 Ёшим 53 да. Чирчиқ шаҳрида яшайман. Аёлим билан ажрашганман. Пенсия оламан. Ичмайман, чекмайман. Ўзимнинг уй-жойим бор. Ёлғизликдан қўйналган инсонман. 50 ёшгача бўлган (қаердан бўлса ҳам фарқи йўқ), ажрашган, бефарзанд ёки болалар ташвишидан қутулган бефарзанд бир аёл бўлса, уйланиб оила қурган бўлардим.
Манзилим тахририятда.
Ўқтам ака

516 Ёшим 45 да. Олий маълумотлиман. Касбим ўқитувчи. Бир ўғлим билан яшайман. Ўзимнинг уйим бор. 55 ёшгача бўлган, олий маълумотли, зиёли, ишлайдиган, ўзининг ҳам уй-жойи бўлган, жиддий, фарзандлари ташвишидан қутулган эркак билан танишиб оила қурмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Феруза

517 Ёшим 45 да. Асли тошкентликман. Ажрашганман. Ишлайман. Уз уйим бор. Оилани моддий томондан таъминлай оламан. Баланд бўйли, кўркам эркекман. 40 ёшгача бўлган (тошкентлик бўлиши шарт), ораста, хушрўй, оқила, (бир қизчаси бўлса ҳам майли) аёлга уйланиш ниятидаман.
Манзилим тахририятда.
Асрор

518 Ёшим 27 да. Асли наманганликман. Икки нафар фарзандларим бор. Ишлайман. Оғир, вазмин инсонман. Аёлим вафот этган. 40 ёшгача бўлган, Наманган ёки Тошкентда яшайдиган, болаларимга оналик меҳрини бера оладиган, оқила аёлга уйланиб оила қурмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Нўмонжон

519 Ёшим 50 да. Асли қашқадарёликман. Аёлим вафот этган. Тошкент шаҳридаги нуфузли ташкилотлардан бирида катта лавозимда ишлайман. Маълумотим олий. Баланд бўйли, келишган эркекман. Ўзимнинг уй-жойим бор. Моддий томондан таъминланганман. 35-45 ёшгача бўлган, ақли-хушли, рўзгоримни обод қила оладиган (қаердан бўлишининг фарқи йўқ) аёлга уйланиш ниятидаман.
Манзилим тахририятда.
Равшан ака

520 Ёшим 32 да. Маълумотим олий. Қадди-қомати келишган, баланд бўйли қизман. Хали турмушга чиқмаганман. Яхши жойда ишлайман. Зиёли оиланинг фарзандиман. 40 ёшгача бўлган, тошкентлик ёки жаззахлик, олий маълумотли, яхши оиланинг фарзанди бўлган йигитнинг сеvimли ёри бўлмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Гулшан

521 Дадамнинг ёши 40 да. Ишдан келгач хунамандчилик билан шуғулланадилар. Оилада уч фарзандимиз. Синглим буюмниқиди. Укам иккимиз эса отам билан яшаймиз. Ёлғизликдан сиқилганини сезамиз. 40 ёшгача бўлган, бефарзанд бир аёл бўлса онамиз ўрнида оиламизга қабул қилган бўлардик.
Манзилимиз тахририятда.
Салоҳиддин

522 Ёшим 45 да. Асли Қашқадарёликман. Эрим билан ажрашганмиз. Икки нафар қизларим бор. Ишлайман. Уй-рўзгор ишларини жойига қўяман. 55 ёшгача бўлган, қаерлик бўлишдан қатъий назар, ўзининг уй-жойи бўлган, яхши, меҳрибон, инсон билан тақдиримни боғлаш ниятидаман.
Манзилим тахририятда.
Раҳимахон

523 Асли Қашқадарёликмиз. 25 ёшли қизимнинг турмуши бузилган. Унинг бир нафар кичик боласи бор. У оғир-вазмин, уй-ишларини жойига қўяди. 35 ёшгача бўлган, Тошкент шаҳрида яшайдиган эркек бўлса, қизимизни унга узатган бўлардик.
Манзилимиз тахририятда.
Меҳрибон опа

524 Асли тошкентликмиз. 34 ёшли укам бор. Афсуски оиласи бузилди. У жуда хушфел, меҳрибон йигит. Ишлайди. Ўзининг алоҳида уй-жойи бор. 27-28 ёшгача бўлган, тошкентлик, ажрашган, лекин фарзанди йўқ, оқила, уйим-жойим дейдиган, саранжом-саршита бир қиз бўлса келин қилган бўлардик.
Манзилимиз тахририятда.
Дурдонахон

525 Ёшим 68 да. Аёлим вафот этган. Икки қизимни узатганман. Уйимни кичик қизимга бердим. Лекин куёв билан яшаш қийин экан. 60 ёшгача бўлган, уй-жойли, оғир-вазмин, ёлғизликдан қийналган аёл бўлса турмуш қуриб, яшаган бўлардим.
Манзилим тахририятда.
Мухсин ака

«ОИЛА» БЎЛИМИГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
Бўлимга келиб эълон берувчилар ҳам, манзил олишга келганлар ҳам ёки шу масалада вилоятлардан хат йўллаганлар ҳам тахририятга паспортлари нусхасини топширишлари шарт. Паспортининг нусхаси бўлмаган шахсларга келин ва куёвларнинг манзиллари ёки телефон рақамлари берилмайди.

МЕХР КЎРМАЙ ЯШАДИМ...

Кулранг костьюм-шим, бошига дўппи кийган кексароқ киши эшикни очиб киришга изн сўради. Утириб дуо қилгач, бирданги йиғлаб юборди. Чўнтагидан гижим бўлиб кетган рўмолчасини чиқариб, кўзларини артгач:
- Узр, қизим. Одам кексайгандан кейин ёш боладек бўлиб қоларкан. Бир оғиз ширин сўзнинг гадосига айланаркансиз... Мени Назар ота дейишди. **Ёшим 70 дан ошди.** Икки ойдан буён тахририятга қандай қилиб, қайси юз билан келишни ўйлайман... Мавриди бугун экан, мана, келдим, деди у ўзини босиб олгач.

- Жуда пиру бадавлат инсон экансиз, қандай иш билан келдингиз?
- Э, қизим, умрим бўйи кўп оилаларнинг ярашиб кетишига сабаб бўлган инсонман. Бироқ, шу ёшга етганимда оилам бузилиб турибди. Бунинг тиклашнинг сира ҳам иложи йўқ энди.
- Нега бундай бўлди? Аёлингиз билан неча йил бирга яшаган эдингиз?

- 45 йилдан ошганди. Болаларимни ўзгалар хўрламасин, деб шунча йил чидадим. Ўзимни босдим. Ишга берилиб, топганим билан рўзгоримни обод қилдим. Яшашимга кўпчиликнинг ҳаваси келади. Лекин ўзаро меҳр, тотувлик қаёқда?
- Жанжал нимадан чиқди?
- Жанжалми? Очигини айтмай. Мақтаниш эмасу ўғил қизларимга ҳам уй-жой қилиб, машиналар олиб бердим. Ҳатто, набираларимга ҳам. Чунки отамдан қолган кўр-кутни ўз меҳнатим билан янада кўпайтирдим. Аёлим мен билан гап талашиб қолиб: "Ниманга кериласан, гадоёввачча!", дея ерга урди. Вахोलанки у оддий

526 гина бир одамнинг қизи эди. Мен эса ўша пайтдаёқ "фалончи" бўлиб олгандим. Аёлимнинг шу гапидан кейин уни уч талоқ қўйдим. Судга хужжатларимни ҳам топширдим. Мен аёлимнинг бундай камситишларига 45 йил чидадим. Бошида онам уни келин қилишга кўнмаганди. "Ўғлим буларнинг яшаш-шароитини қарагин, бу қиз билан сеннинг кўнглинг ҳам, дунёқарашинг ҳам асло тўғри келмайди. Қўй, гапимга кир. Унга уйланмагин. Кейин бир умр афсуслансан", - деган эди. Унинг кўлини совуқ сувга ҳам урдирмай, хурматини қилиб яшадим. Онам айтганларидек бўлди. Ўзи оналарнинг гапига қулоқ солиш керак экан.

Энди эса юрагим безиллайди. Бошида бўлмаган меҳр бундан сўнг ҳам бўлмастлигига ишондим. Қолган беш кунлик умримда менга бир оғиз ширин сўз айтгучи, бир пиёла чойни ширин муомала билан узатгучи аёлга уйланиш ниятидаман. Алоҳида уй-жойим бор. Кўпчиликка яхшилик қилиб, кўпнинг дуосини олганим учун обрў эътиборим бор, шукр. Кексалигимни фароғатда ўтказиш учун маблағим етади.

Назар ака яна кўзларига ёш олдди. У кишининг аҳволини тушундик. Кексайганда деярли барча инсонлар анвои таомларга эмас, балки бир оғизгина ширин сўз билан эътиборга илҳақ бўлишаркан.

Назар отани тушунадиган, ўзи ҳам меҳрга интиқ аёллар бор. У киши билан учрашиб, оила қуришни истайдиганлар учун манзили тахририятда.

527 - Отам вафот этгач, онам шўрлик биз беш нафар фарзандини боқишга қийнала бошлади. Чунки отам билан яшаган пайтида ишламаган экан. Ноилоҳликдан ҳаммамизни интернетга топширибди, - дея гап бошлади ўзини Каримжон дея таништирган навбатдаги эркек. - Мен оиланинг каттаси бўлганим учун турли жойларга топширилган ука-сингилларимдан хабар олиб турардим. Онам ҳам аллақайси ташкилотга фаррош бўлиб ишга кирди. Мен эса мактабни тугатиб, институтга кирдим. Уни тугатгач нуфузли ташкилотлардан бирида ишлаш бошладим.

- Ука-сингилларингизнинг тақдирини нима бўлди?
- Яхши маош ола бошлаганимдан сўнг бирин-кетин ука-сингилларимнинг ҳаммасини уйга олиб келдим. Онаминг шодлиги чексиз, ҳаммамизни бағрига босиб хурсандчилигидан йиғларди.
- Кейин-чи?
- Укам, сингилларим ҳам мактабни тугатишди. Уларни ўқишга киритдим. Кейинчалик эса укамни уйлантириб, уч синглимни узатдим. Очиги уларни уй-жойли қилибману ўзимни ўйламаган эканман. Хуллас, навбат ўзимга келди.

Кеч бўлса-да уйландим. Аммо пешонамга бахтли бўлиш ёзилмаган экан. Аёлим бизнинг ўтмишимизни эшитган, кун ора шу гапни юзимга соларди. Охири у ажрашиш учун ариза берди. Оила парокандалиги нималигини яхши билганим учун бу менга қаттиқ таъсир қилди. Болаларимни жуда яхши кўрардим. Аёлимни кўндириб бўлмади. Ажрашдик.

- У қаерда яшайди?
- Аёлимга болаларим қийналмаслиги учун икки хонали уй олиб берганман. Ука-сингилларимнинг ҳам ўз уй-жойи бўлиши учун ёрдам қилдим. Болаларимдан ёрдамимни аямайман. Улар ҳам мени тушунишди. Кечиринишди.
- Хозир ким билан яшайсиз?
- Онам бор, иккимиз яшаймиз. Ўзимнинг уй-жойим бор. Мен кун бўйи ишдаман. Онам эса уй ишлари билан толиқиб қолади. Мана, ажрашганимизга ҳам тўрт йилдан ошди. Ёлғизликни ёмон кўраман. Агар ёлғиз ёки ажрашган, бир қизчаси бўлган аёл бўлса уйланиб, оила қурган бўлардим...
Каримжон ака билан танишиб, оила қуришни истайдиган аёллар учун у кишининг манзили тахририятда.
БАСИРА тайёрлади. ТЕЛ: 133-04-50

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлэмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 20:00. Босишга топширилди - 19:00.
E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА
Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Оила, табриқлар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41
МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темурут кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.
Web-site: oilavajamiyat.uz
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси
ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган.
Буортма Г - 932. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 10965
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — Н. ИМОМОВ
Мусахҳих — С. САЙДАЛИМОВ
1 2 3 4 5